Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 194 (7084). 11 октябрь, 1979 йил ПАЙШАНБА Баҳоси 2 тийин.

ҚИШЛОВ—ЧОРВАДОР УЧУН СИНОВ

Олтин куз. Бу фаслда дала меҳнаткашлари, пахтакорлар, соҳибкорлар, боғбонлар меҳнатига якун ясалади. Олтин қўлли пахтакорларимиз амалга оширган ишлар, айниқса, барақали бўлганлигини кўриб қувонасиз. Айни кунларда далаларда йиғим-терим авжида. Бу фаслда чорвадорларнинг иши ҳам тиғиз. Улар қишловга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Қишлов учун жамғарилган ем-хашак етарлими? Эйг муҳими ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланишни таъмин этувчи ферма ходимлари, кадрлар состави созми? Хўжалик раҳбарлари, партия ташкилотлари бу масалалар ҳақида қайта-қайта ўйлаб кўришлари ва лозим топилган тадбирларни амалга оширишлари керак. Зотан чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши бу тадбирларнинг ўз вақтида ва бекаму-кўст амалга оширишга боғлиқдир.

Областимиз чорвадорлари КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленуми, чорвачиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган область партия комитети Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ эта борнб, гўшт-сут етиштиришни кўпайтириш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Бу йил областимиз бўйича 34 минг тонна гўшт, 140 минг тонна сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштирилиши ва давлатга сотилиши керак. Кўплаб район, колхоз, совхозлар бу вазифаларни бажариш соҳасида ҳозирнинг ўзидаёқ катгагина ютуқларни қўлга киритдилар.

Эришилган ютуқларни тизмай мустаҳкамлаш учун курашаётган илғор районлар, колхозлар қишловга ҳам ҳар тарафлама тайёргарлик кўриб қўйдилар. Бу жиҳатдан Тошкент, Калинин районларида олиб борилаётган ишлар ибратлидир.

Калинин районидаги Охунбобоев номли қўйчилик совхози, «Хасково» совхози, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли, Фрунзе номли, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Янгийўл районидаги «Коммунизм» номли колхозларда қишловга намунали тайёргарлик кўриб қўйилди.

Бироқ чорва қишловига тайёргарлик ҳамма ерда ҳам намунали олиб борилмоқда деб айтиб бўлмайди. Айрим районлардаги колхоз, совхозларнинг фермаларида бўлсангиз ҳали ремонт ишлари ниҳоясига етказилмаганлигини кўрасиз. Ем-хашак чорва қишлайдиган биноларга яқин ерларга ташиб келтирилмаган. Соғин сигирлардан сут соғиб олиш камайиб кетмоқда. Гўштга топширилаётган молларнинг семизлиги ҳам белгиланган даражада эмас.

Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз бир вақтлари машъал хўжаликлардан ҳисобланарди. Ўтган йили пахта планини бажара олмаган колхоз чорвачиликда ҳам орқага силжиш бўлишига йўл қўймоқда. Хўжалик раҳбарлари чорвачиликни ривожлантириш ҳақида яхши-яхши гапларни айтадилар, тадбирлар белгиланади-ю, бироқ амалий иш кам бўлмоқда. Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози раҳбарлари ҳар йили қишловни соз ўтказамиз, деб ваъда беришади, бироқ, бу ваъда ваъдалигича қолаверади. Хўжаликда йил сайини чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўнгилдагидек бўлмаётганлигининг боиси ҳам шунда! Нима, бу хўжалик раҳбарлари қолоқлар ўрнини муҳрлаб олишганми?

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қайси фермага олий маълумотли ёки махсус ўрта маълумотга эга бўлган мутахассислар раҳбарлик қилаётган бўлса, ўша ерда ишлар саранжом-саришта: сифатли ем-хашак жамғарилади, ундан тежаб-тергаб фойдаланилади. Ем-хашак цехлари узлуксиз ишлаб туради, меҳнат интизоми юксак. Моллар семиз ва соғлом.

Шунинг учун ҳам хўжалик раҳбарлари мутахассис кадрлар: зоотехниклар, ветеринар врачлар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилишлари, уларнинг яхши ва самарали ишлашлари учун барча шароитларни яратиб беришлари, айни вақтда талабчанликни ҳам бўшаштирмасликлари лозим.

Афсуски, юқорида номлари тилга олинган хўжаликлар ва бошқа айрим районлардаги колхоз ва совхозларда бу масалаларга тегишли эътибор берилмайди. Хўжалик раҳбарлари мутахассисларнинг фикри ва мулоҳазалари билан кўпинча ҳисоблашмайдилар. Уларнинг талабларн, эҳтиёжлари ўрганилмайди. Албатта, бу ҳолат мутахассисдаги ташаббускорликни сўндиради. У ишга доқайд қарай бошлайди. Бунга йўл қўйиб бўлмайди!

Бу гаплар матлубот жамиятларига ҳам тааллуқлидир. Гап шундаки, партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмалари, замон талабига биноан матлубот жамиятлари ҳузурида ҳам кўплаб чорвачилик, паррандачилик фермалари ва комплекслар ташкил этилмоқда. Матлуботчилар учун бу соҳа янги ҳисобланиши табиий. Шунинг учун ҳам матлубот жамиятлари ҳузуридаги фермаларнинг малакали мутахассис кадрлар билан мустаҳкамланиши зарур восита дир. Гўшт, сут етиштиришни кўпайтиришда ёрдамчи хўжаликларнинг имкониятларини тўла ишга солиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш керак. Хўжалик шахсий бўлгани билан, манфаати умумийдир. Шунинг учун ҳам колхозчи ва совхоз ишчиси хонадонларида чорва моллари боқилишини ташкил этишда амалий ёрдам зарур. Лекин бу соҳада қилинаётган ишлар ҳозирча талаб даражасида эмас. Айрим районлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш соҳасида партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмаларини сусг амалга оширмоқдалар.

Шу йил эрта баҳорда бир группа илғор чорвадорлар ажойиб ташаббуслар билан чиқдилар. Улар гўшт-сут етиштиришни кескин кўпайтиришга бел боғлаган эдилар. Область партия комитети уларнинг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллаган эди. Ана шу ташаббускорлар тажрибаси асосида кўпгина ишлар қилинди. Улар зиммага олган мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқдалар. Қишловга тайёргарлик жараёнида ташаббускорлар тўпланган илғор ишг тажрибасини ишлаб чиқаришга жорий қилишни унутмаслик керак. Чорвадорлар ўртасида мусобақани авж олдириш, бу ишнинг таъсирчанлиги, оммавийлигини таъмин этиш — партия ташкилотлари зиммасига янги-янги вазифалар юклайди.

Қишлов — ҳар бир чорвадор учун жиддий имтиҳондир. Ҳеч шубҳа йўққи, областимиз чорвадорлари ҳар йилдагидек бу йил ҳам бу синовдан муваффақиятли ўтадилар, келгуси йилда ҳам чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда янги-янги ютуқларни қўлга киритадилар.

Бу йил 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» хирмони уйиш учун курашаётган Бекобод районидаги А. Мавлонов номли совхозининг Қ. Ўринбоев бошлиқ бригадаси аъзолари пахта теримини тобора кучайтирмоқдалар. Суратда: бригада пахта хирмонини юксалтиришга катта ҳисса қўшаётган илғор теримчилар А. Ўтагенова, Ҳ. Норжигитова ва М. Ўтагенова-лар. М. Қорабеков фотоси.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛМОҚДА

ТАШАББУСКОРЛАР ОЛДИНДА

ЎТГАН кунги ёғин-сочинга қарамай, ташаббускор Ғалаба райони марду-майдон пахтакорлари йиғим-теримда ҳамон юксак суръатни бўшаштирмай, областда пешқадамлик қилмоқдалар. Шу куни мавжуд 437 та терим агрегатидан 435 таси пахтазорларда тўла қувват билан ишладн. Уларнинг ҳар бири билан ўртача 7,5 тоннадан, жами 3301 тонна «оқ олтин» териб тўкилди. «Ленинград» колхози пахтакорлари йиллик планнинг 6,9 процснти миқдорида «оқ олтин» топшириб районда энг юқори суръатга эришдилар.

КУНИГА 6 ПРОЦЕНТДАН

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтазорларида йиғим-терим кун сайин жадаллашмоқда. Бу йил хўжалик меҳнаткашлари давлатга 4 минг тонна ўрнига 5130 тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилишган. Ҳосилдорлик эса 38 центнерга етказилиши керак.

Шу кунларда мавжуд терим агрегатларининг ҳаммаси тўла ишлаб турибди. Рустам Абдураззоқов кунига ўртача 10 тоннадан пахта териб хўжалик механизаторлари мусобақасида пешқадамлик қилаётир.

Бригада коллективлари меҳнат беллашувида эса Қунис Йўлдошев, Маҳкам Тўрақуловлар раҳбарлигидаги бригадалар кунига 6 процентга етказиб пахта топшириб олдинда бормоқдалар.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

БЕКОБОД районидаги «Ленинград» совхозининг Темирхон Тожибоева бошлиқ бригадаси аъзолари пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажардилар. 100 гектар кўриқ ернинг ҳар гектаридан 15 центнердан ҳосил йиғиштириб олиндн. Бригада аҳли 20 октябргача яна 10 центнердан ҳосил кўтариб, социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқда.

БИР КУНДА—215 КИЛОГРАММ

Зулхумор тез ҳаракат қилганидан исиб кетди, этагини бўшатганда нимчасини ҳам ечиб, пахта устига ташлади. Иккинчи этагини боғлаб яна ишга киришди.

— Куз кузлигини қиляпти-я, Зулхумор, — деди дугонасидан кейинроқ этак бўшатган Санобар. — Эрталаб бироз совуқ бўлиб, кейин яна иссиб кетяпти.

— Бу пахтага яхши. Ишқилиб, куз яхши келсин, — деди Зулхумор ишдан тўхтамай, — Кеча бригадамизда йиллик планнинг 3,5 процснти миқдорида пахта тайёрланибди. Зиё ака бугун тўртга чиқармоқчимиз, дсяпти. Кеча қанча терднгиз?

— 180 килограмм. Сиздан йигирма килограмм кам терибмаи, — деди Санобар. — Бугун икки юз бўлади. Одатдагидай бригадир тароэи бошида кунлик ишни якунлади.

— Бугун 5,5 тонна пахта терилди. Теримчиларимиз сардори Зулхумор Қурбонованинг терган пахтаси 215 килограммни ташкил этди. Унинг мусобақадошн Санобар Давидова эса 205 килограмм пахта терди. Умуман, ҳар бир теримчининг ўртача кунлик меҳнат унуми 160 килограммга тўғри келди. Раҳмат, сизларга, — деди бригадир Зиё Оппоқов.

Биз ҳикоя қилаётган Фрунзе номли колхознинг Зиё Оппоқов бошлиқ бригадаси аъзолари мавжуд 60 гектар ерда мўл ҳосил тўплашди. Ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш мажбуриятини олган, пахтакорлар теримга жадал киришдилар. Айниқса, кўпмингкилограммчилар мусобақаси авж олдирилди.

— Кунлик суръатни тобора оширяпмиз. Қисқа вақт ичида йиллик планни бажариш учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз, — дейди бригадир.

М. ПОРСИХОНОВ,
Бўка райони.

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА



ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 10 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан машинада бир кунда терилгани, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида)

Бўка	3,50	42,29	3,46	30,50
Ғалаба	6,26	40,00	6,57	33,46
Оққўрғон	4,52	36,62	2,49	24,19
Пискент	3,31	35,76	2,31	22,86
Бекобод	3,16	34,57	2,02	17,81
Чиноз	2,70	32,12	1,45	11,31
Янгийўл	2,40	31,34	1,67	10,10
Ўрта Чирчиқ	3,00	26,80	2,27	17,09
Коммунистик	3,44	18,71	3,44	13,94
Область бўйича:	3,71	34,37	3,06	22,81

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ТОШКЕНТ область партия комитети Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози меҳнат ветеранлари ва Ленин номли колхоздаги кўп болали оналарнинг 1979 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда актив иштирок этиш юзасидан районнинг барча меҳнаткашларга, пенсионерларга, кўп болали оналарга ва уй бекаларига мурожаатини маъқуллади. Бу мурожаатлар «Коммунист» район газетасининг шу йил 25 сентябрь ва 1 октябрь сонларида эълон қилинган.

Район партия комитетлари зиммасига бекободликлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва кенг пропаганда қилиш, меҳнат ветеранлари, кўп болали оналар ва уй бекаларига пахта йиғим-теримида актив иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, стационар ва мавсумий болалар боғча ва ясли ларини яхшилаш, дала шийпонларида маданий-маиший ва савдо хизматини уюштириш, уларнинг меҳнатларини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқиш вазифаси юклатилди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига аҳолининг йиғим-теримдаги иштирокини кенг ёритиш топширилди.

БЕКОБОД РАЙОНИДАГИ «КПСС XXV СЪЕЗДИ» СОВХОЗИ ПЕНСИОНЕРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар, дўстлар!

Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози деҳқонлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажара бориб, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, пахта етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан юксак мажбуриятлар қабул қилдилар. Хўжалик меҳнаткашлари бу йил ҳар гектар майдондан 36 центнердан ҳосил кўтариб, она Ватанга 10 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилишган.

Фидокорона меҳнат, ижодий изланиш, ғўзага ишлов беришда илғор агротехник усулларни кенг қўлланиш шарофати билан совхоз далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Бундай натижага бу йил, айниқса, осонликча эришилгани йўқ. Ҳар биримизга маълумки, мисли кўрилмаган қийин обн ҳаво шароитларида ҳосил тақдири учун курашишга тўғри келди. Кўкламдаги тинимсиз ёғингарчилик ва ҳавонинг паст келиши дала ишларини қулай муддатларда бажаришга тўсқинлик қилди. Ғўзалар ўсишдан анча ортда қолди. Ишчилар эса меҳнатда ўзларини аямай, бор кучларини ғўзага сарфладилар, ҳар бир туп ниҳолни қалб қўрлари билан парвариш қилдилар. Фидокорона меҳнат ниҳоят ўз самарасини берди. Эндиликда пахтазорлар оқ либосга бурканган.

Йиғим-терим кун сайин жадаллашиб бормоқда. Чевар теримчилардан сўнг барча «зангори кема»лар далаларга олиб чиқилди. Совхоз ишчилари ва механизаторлари теримни аҳил-иноқлик билан давом эттирмоқдалар. Бизнинг шонли даладагвардиячиларимиз бу йил камида 8 минг тонна яъни етиштирилган жами ҳосилнинг 80 процентини териб берадилар. Хўжалик коллективи йиллик планни 25 октябргача, социалистик мажбуриятни эса 10 ноябргача бажариш учун ҳаракат қилмоқда. Шу кеча-кундузда бизнинг ўғил-қизларимиз ўзларининг куч-ғайратлари ва вақтларини аямай фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу табиийдир, албатта. Чунки, пешона тери эвазига етиштирилган «оқ олтин»ерда қолиб кетмаслиги керак. Пахта йиғим-терими ҳар бир меҳнаткаш учун ватанат ва жасорат кўрсатадиган даврдир. Пахтакорлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Оқ олтинни олтин қўллар яратади!» деган илҳомбахш сўзларини ҳар дақиқа ёдда тутадилар.

Ҳозирги кунда улкан пахта хирмони учун кураш ҳал қилувчи паллага кирди. Эндиликда ҳар бир кун, ҳар бир соат ҳар қачонгидан ҳам қимматлидир. Шунинг учун пахта далаларидаги меҳнат зарбдор ва қаҳрамонона меҳнат бўлиши керак. Юксак терим суръатлари ва хом ашё сифати учун кураш ҳар бир меҳнаткашнинг ва ҳамманинг олдинчи галдаги вазифасидир. Биз, ҳақиқий пенсияга чиққан меҳнат ветеранлари ҳам шундай умумжамоат ишидан четда қололмаймиз. Жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати биз пенсионерларга чексиз ғамхўрликлар кўрсатмоқда. Яхши яшаб, дам олишимиз учун ажойиб шарт-шароитлар яратиб берилган. Шижоатли терим кампаниясини четдан туриб кузатишга виждонимиз йўл қўймайди. Биз ёшлар сафида бўлиб, уларга қўлимиздан келганча ёрдам кўрсатишимиз лозим.

Биз райондаги барча пенсионерларга мурожаат қилиб, уларни етиштирилган жами ҳосилни тез ва нобуд қилмай йиғиштириб олишда ўғил-қизларимизга ёрдам беришга чақирамиз. Кузнинг қулай кунлари оз қолаяпти. Ҳозирги масъулиятли кунларда ҳар биримиз пахтазорда бўлиб, теримда қатнашаётганларга кўмаклашишимиз даркор. Бу ҳар биримизнинг виждон ишимиз, юксак граждаилик бурчимиздир.

Шуни унутмайликки, бугун ҳаммамиз — пахтакорларимиз!

(Ушбу мурожаат Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози меҳнат ветеранларининг йиғилишида қабул қилинган).

БЕКОБОД РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ УЙ БЕКАЛАРИНИНГ БАРЧА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА

МУРОЖААТИ

Қадрли хотин-қизлар, опасингиллар!

Бекобод районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашлари 1979 йилда давлатга пахта сотиш бўйича юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун меҳнат вахтасида туриб, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилдилар. Шу кунларда колхоз далаларида пахта йиғим-терими қизиган пайт.

Пахта далаларига боққан кишининг кўзи қувнайди. Етиштирилган мўл ҳосил чаноқларидан тошиб турибди. Хўжалик деҳқонлари бу йилги барча қийинчиликларни мардонавор енгдилар. Зимадаги топшириқларни шараф билан бажариш учун ҳамма имкониятларга эга дирлар. Бу йилги марра эса юксакдир. Ҳар гектар майдондан 36 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, давлатга 7500 тонна «оқ олтин» сотилиши керак.

Хўжалигимиз меҳнаткашлари етиштирилган ҳосилни қисқа муддатда йиғиштириб олишга астойдил бел боғлашган. Ҳозир, айниқса, механизаторлар зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар. Дала теримчилари камида 6000 тонна «оқ олтин» териб беришга қарор қилишган. Колхозчилар ҳам уларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Хотин-қизлар ҳам этак боғлаб пахтазорларга чиқдилар. Улар орасида уй бекалари, кўп болали оналар оз эмас. Уларнинг аксарият кўпчилиги оширилган мажбуриятлар олишиб, кўпминг килограммчилар сафига кирдилар ва қиз-жувонлар билан бир қаторда меҳнат беллашувига қўшилдилар.

Шу кеча-кундузда колхоз далаларида 60 нафар уй бекаси ишлаб турибди. Биз умумий хирмонга 40 тонна «оқ олтин» териб тўкиш мажбуриятини олдик.

Биз райондаги барча оналарга, опа-сингилларга мурожаат қилиб, уларни йиғим-терими тезлаштиришга эркаклариига ака-укаларга ёрдам беришга чақирамиз.

Партия ва ҳукуматимиз ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда биз оналарга доимий ғамхўрлик қилиб, катта ёрдам бермоқда. Болаларимизнинг соғлом ва бахтли бўлиб ўсишлари учун барча имкониятлар муҳайё. Ўтган йили ер юзидаги барча кишилар хотин-қизлар ўлимини нишонладилар. 1979 йил эса, халқаро болалар йили, деб эълон қилинди. Бизнинг мамлакатимизда болалар, айниқса, катта эътибор ва ғамхўрлик билан қамраб олинган. Бу бизнинг хўжалигимиз мисолида ҳам яққол кўриниб турибди. Колхозимизда болалар боғчаларини ва бошқа мактабгача муассасалар мавжуд бўлиб, у ерда болаларимиз ўз уйларидагидек яйраб ўсмоқдалар. Бу биз оналар учун унумли меҳнат қилиб, кўнгилдагидек дам олиш имкониятини бермоқда.

Қадрли оналар, уй бекалари! Ҳозир пахта йиғим-теримидаги ҳар бир соат, ҳар бир дақиқа жуда қимматлидир. Бу йилги мўл ҳосил катта қийинчиликлар эвазига етиштирилди. Демак, ҳосилнинг бирор миқдорини ҳам нобуд бўлишига йўл қўймайлик! Далаларда бор куч билан меҳнат қилинглиз, иш унумини оширинглиз. Ҳозирги шароит барча кучни тўла сафарбар этишни тақозо қилаётир. Қўл теримида юксак уюшқоқлик ва фидокорлик намуналарини кўрсатайлик.

Ҳосил кутиб турмайди! Пахта ҳар биримизни ва ҳаммамизни далага чорламоқда.

Ҳамма пахта теримига!

(Ушбу мурожаат Бекобод районидаги Ленин номли колхоз уй бекалари йиғилишида қабул қилинган).

ПАХТАЗОР—ЗАРБДОР ФРОНТ

ОҚ НУҚРАЛАР

Машина карта бошидаги текис йўлкадан қайрилиб яна эгатлар орасига кирди. Ғилдираклар устига қопланган зангори тўсқичлар ёйилиб турган ғўза шохларини текислаб шиндсллярга тўғрилади. Чўтқалар чириллаб айланганича лўппи-лўппи пахталарни бункер томон сўра бошлади. Икки эгатнинг пахтасига бункер яримлаган эди. Бу эгатларнинг охирига етиб боргунча тўлади.

Карта охирига етгач Тошканбой бункерини прицеп кузовига тўғрилаб, ричагини бўшатди. Бункер кўтарилиб кумушдек товланиб турган янги ҳосил кузовга ёғилди. Прицеп бир силкиниб тушди. Тошканбой пешона терларини артиб, яна олға юриб кетди.

— Колхозимизда машина теримини биринчи бўлиб мана шу йигит бошлаб берди, — дейди бригада бошлиғи Турлибек Яхшибоев. — Мавсумда 200 тонна пахта териб бермоқчи. Ҳаракати чакки эмас. Кеча тўрт прицеп пахта берди. Бугун бештага етказмоқчи. Тошканбой Усмонов учун бу далалар кадрдон. Ҳар йили Турлибек Яхшибоев бошлиқ бригада карталарида етиштирилган ҳосилни териб беради. У ўз агрегати билан эрта баҳорда ерга чигит қадаган эди. Ёз бўйи ғўзаларни парвариш қилди, ишлов берди. Мана энди кўпчиликнинг пешона тери билан етиштирилган «оқ олтин»ни нес-небуд қилмай йиғиб-териб олмоқда...

Колхозчиларнинг ҳисоб-китоб-сайлов йиғилишида Турлибек Яхшибоев сўзга чиқиб бу йил гектаридан 50 центнердан ҳосил олишга сўз берди.

— Албатта биз механизаторларга таянамиз, — деди у ўшанда Тошканбойга ишора қилиб. — Ҳозир механизатор деҳқоннинг ўнг қўли, ишонган тоғи.

Турлибек аканинг бу гаплари кўпчиликнинг қалбига чўғ солди. 3-бригада бошлиғи Мамат Ирисбоев ҳам сўзга чиқиб, гектар бошига 50 центнердан ҳосил олишга ваъда қилди. Шу тариқа колхозда 50 центнерчилар ҳаракати бошланиб кетди. Мана ҳозир ваъдага яраша етиштирилган ҳосил йиғим-терими қизғин бораяпти. Бир томонда машиналар, иккинчи томонда чевар теримчилар жавлон уришяпти.

Бир беш кунликда Турлибек ака бригадасида қўл кучи билан 1,5 тонна пахта терилди. Машиналар ишга тушиши билан теримсуръати ошди. Кунига неча ўнлаб тонна «оқ олтин» қабул пунктларига жўнатилмоқда.

— Бу йил янги ерларда ҳам мўл ҳосил етиштираяпти, — дейди колхоз партия ташкилоти секретари Ўлмас Музаффаров. — «Озод» колхозига туташ жойлардан 90 гектар янги ер ажратиб олиб деҳқончилик қилаяпмиз. Партия йиғилишларидан бирида коммунист Жаҳончи Содиқов мана шу участкага раҳбарлик қилишга сўз берди. 8 сувчи, 2 механизатор ҳам ўз ихтиёри билан бу бригадага ўтди. Улар колхоз марказидан 34 километр наридаги карталарда ишни зўр уюшқоқлик билан бошлаб юборишди. Биринчи йилиёқ ташаббускорлар гектар бошига 45 центнердан «оқ олтин» ҳосили олишга бел боғлаганлар. Ҳозир бу карталарда ҳам машина терими бошланиб кетди.

Терим ташкилотчилари коммунистлар бўлишяпти. Колхоз партия ташкилоти ҳисобидаги 116 коммунистнинг аксарияти ҳозир бевосита йиғим-терим билан банд. Механизатор коммунистлар 200—220 тоннадан «оқ олтин» териб бериш иштиёқида жавлон урмоқдалар. Терим поток усулида ташкил этилмоқда. 20 та машина звеноларга тақсимлаб берилган. Механизаторлар ҳар тонна терилган ҳосил учун 10 сўмдан ҳақ олмоқдалар.

Шу долзарб дамларда теримчилар орасида катта сиёсий ишлар ҳам олиб борилмоқда. 30 сиёсий ташкилотчи, 6 сиёсий докладчи, 26 агитатор дала шийпонларида бўлиб, тушки дам олиш соатларида пахтакорларга турли мавзуларда лекциялар ўқиб бермоқдалар. Шундан сўнг бадиий ҳаваскорлар ўз маҳоратларини кўрсатмоқдалар.

«Ленинизм» колхози азоларилари бу йил ҳосилдорлигини 42 центнерга етказиб она-Ватанга 5 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга бел боғлаганлар. Пахта учун кураш кун сайин қизиб бормоқда. Ҳозир ҳамманинг ўрни далада. Чаноқлардаги оқ нуқралардан уйилаётган хирмон тобора кўкка интилмоқда.

У. УМАРОВ,
Оққўрғон райони.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ИЧКИ РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛАЙЛИК

Завод бошланғич партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарликни анча олдин бошлаб юборди. Доклад тайёрлашга коммунистларнинг кенг доираси жалб этилди. Шу туфайли ҳам докладда ишлаб чиқариш, оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишлар ҳаммаси қамраб олинган. Партия бюроси тузйлган докладни яна бир карра кўриб чиқди ва тузатишлар киритди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишига жиддий тайёргарлик кўрилганлиги туфайли доклад мазмунли чиқди. Шунинг учун ҳам коммунистлар музокарада актив қатнашдилар.

— Заводимиз аҳли доимо ҳам ойлик топшириқларни бажара олмади, — деди коммунист Қ. Турғунов. — Тўғри бир қатор қийинчиликлар ҳам бўлди. Тупроқ оладиган жойимиз муқим эмас. Хомашё орасидан тош, темиртерсак териб юришга тўғри келади. Тегишли ташкилотлар тоза тупроқдан сифатли ғишт чиқишини билишади, лекин тупроқ олишга яхши жой кўрсатишни ўйламаяпти. Айрим вақтларда тупроқ орасида келган темиртерсаклар машина механизмларни ишдан чиқаради. Иш тўхтаб қолади. Кейинги бир йилда электр энергияни ўчиб қолиш ҳоллари ҳам тез-тез юз берди.

Шубҳасиз бу камчиликлар меҳнат унумдорлигига, маҳсулот сифатига таъсир этади. Лекин ички резервлардан оқилона фойдалансак, машина-механизмларнинг тўла лойиҳа кучи билан ишлашини таъминласак топшириқларни узлуксиз бажариш имкониятига эга бўламиз. Айрим мутахассислар ўз устларида ишлашмайди. Ишлаб чиқаришни янги технология, фан ва техника ютуқлари асосида қуроллантиришни унутиб қўймоқдалар.

Сўзга чиққан коммунистлар бошланғич партия ташкилотининг бир йиллик фаолиятига танқид ва ўз-ўзи танқид руҳида ёндошдилар. Камчиликларни рўйи-рост очиб ташладилар.

Коммунист У. Исмоилов айрим ишчиларнинг, мастерларнинг ўз ишига совуққонлик билан қараётганликларини мисоллар асосида кўрсатди. Баъзи вақтларда ҳатто сменани тўхтатиб қўйишга ҳам тўғри келганини таъкидлаб ўтди. Шундан кейин мастерлар, смена раҳбарлари билан йиғилишлар ўтказилди. Кейинги вақтларда ишлаб чиқариш интизомини бузиш ҳоллари камайди, бироқ ҳали ишчанлик руҳини ҳамма сменада ҳам бирдай деб бўлмайди.

— Корхонамизда ишчи кучи етишмайди, — деб давом этди нотиқ. — Демак, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялашни кучайтириш лозим. Бизда эса бу иш талаб даражасида эмас. Кўп ишлар ҳамон қўл кучи билан бажарилмоқда.

Ҳақиқатан корхонада ишчи кучи етишмайди. Бу эса кадрлар қўнимсизлиги туфайли юз бермоқда. Чунки, ишчилар учун етарли маданий-маиший шароит яратилмаяпти.

Посёлка ҳалигача газлаштирилмаган, водопроводлаштирилмаган. Ишдан кейин коллектив дам олиш учун шароит йўқ. Корхона ҳузурида тўгараклар ташкил этиш, маданий ҳордиқ чиқариш учун ташкилотчилик ишларини кучайтириш лозим. Партия ташкилоти эса бу соҳада етарли иш олиб бормаяпти.

— Цехимизга малакали ишчи Борис Густаевни 5-разряд билан ишга олган эдик, — дейди цех партия ташкилотининг секретари В. Айтжонов. — Ҳар қанча ҳаракат қилмайлик кўп ўтмай ишдан бўшаб кетди. Ҳозир бошқа корхонада 2-разряд нормаси бўйича ишламоқда. У ёр маъқул эмиш. Хўш, бунга сабаб нима?! Оммавий-сиёсий, маданий ишларни талаб даражасида олиб борилмаслигидир. Кейинги вақтларда ишчилар учун янги уйлар, ётқоналар қурилмади. Бу ҳам ишимизга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган Келеседаги 7-ғишт заводи партия ташкилотининг секретари Г. Гайнутдинов ҳам партия бюроси, маъмурият ва мутахассисларнинг ишлаб чиқариш, оммавий-сиёсий ишларда йўл қўйган камчиликларни ва унинг келиб чиқиш сабабларини кўрсатди. Докладчи маҳсулот сифатининг халқ талаби даражасида бўлмаётганини таъкидлади. Масалан 100 марказий ғишт нормадаги 51,5 ўрнига 49,8 процентни ташкил этди. Бу албатта ишлаб чиқаришни ташкил этишда йўл қўйилган камчиликлар туфайлидир. Лёсснинг сифатсизлиги ва ғиштни вагонеткаларга нотўғри жойлаштириш туфайли маҳсулот сифати 1,7 процентга камайган. Агар маҳсулот сифати нормада кўрсатилганидек бўлганида 3 минг сўмлик даромад олиш мумкин эди.

Докладчи ва музокарага чиққанлар камчиликларни кўрсатиш билан бирга илғор тажрибаларни ҳам умумлаштирдилар. Бундан кейин социалистик мусобақани яна ҳам оммавийлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш бўйича таклифлар киритишди.

Партия ташкилоти социалистик мусобақанинг оператив якунлаб борилишига эътибор бермоқда. Корхонада 300 нафардан ортиқ киши беш йиллик топшириқни муддатидан олдин бажариш учун курашмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий тарбиявий ишларни янада яхшилаш ҳақида»ги қарори эълон қилингач, бу борадаги ишлар анча жонлантириб юборилди. Ҳозир 8 лектор, 8 сиёсий ахборотчи, 14 агитатор самарали ишламоқда. Т. Ҳикматуллаев, Н. Оводков, Қ. Турғунов, У. Исмоилов каби коммунист, сиёсий ахборотчилар цехларда ишчилар билан суҳбатлар ўтказишмоқда. Бу коммунистлар ишчилар ҳузурига боришдан олдин етарли тайёргарлик кўришади. Мазмунли лекция ва суҳбатлар эса ишчиларни меҳнат муваффақиятларига йўллайди.

Партия сиёсий ўқуви ва иқтисодий таълими соҳасида янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик бормоқда. Партия ўқуви ўрта звеносида 33 киши ўз билимини оширади. 3 группадан иборат активлар иқтисодий таълим оладилар.

Ҳисобот даврида 11 марта партия йиғилиши ўтказилди. Унда ишлаб чиқариш билан бирга оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий масалалар муҳокама қилинди. Партия бюроси эса ҳисобот даврида 18 марта мажлис ўтказди. Ҳар бир йиғилишнинг қарорини бажариш устидан қатъий назорат ўрнатилди.

Бошланғич партия ташкилоти жамоат ташкилотларига раҳбарлик қилишга эътибор бермоқда. Докладчи ва музокарада сўзга чиққан коммунистлар эришилган ана шу тажрибаларни тилга олишди, шу билан бирга юқорида айтилган камчиликларни тугатиш юзасидан қимматли таклиф ва мулоҳазалар билдиришди.

Б. ПЎЛАТОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕМ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ГАВАНАДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ СИМПОЗИУМ

ГАВАНА, 9 октябрь. (ТАСС). Куба пойтахтида социалистик мамлакат регионалист олимларининг 9 халқаро симпозиуми ўз ишини тугатди. Симпозиумда Узаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо мамлакатларнинг шунингдек Ангола, Венесуэла, Яман Халқ демократик республикаси, Мексика, Никарагуа, Панама делегатлари, БМТ Латин Америкаси иқтисодий комиссиясининг вакиллари қатнашдилар.

Кенгаш чоғида регионал тадқиқотлар методологияси ва методикаси масалалари хусусида фикрлашиб олинди, социалистик мамлакатларда халқ хўжалигини жадал ривожлантириш вазифасини ҳал этувчи ишлаб чиқариш кучларини ўстириш ва жойлаштириш бош схемаларини ишлаб чиқиш проблемалари муҳокама қилинди.

Симпозиумда СССР делегациясининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. К. Зиёдуллаев доклад қилди. У Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт соҳасида эришган ғоят катта муваффақиятлари тўғрисида гапирди. Бу муваффақиятлар республикани чор Россиясининг бир вақтлар қолоқ мустамлака ўлкасидан замонавий кўп тармоқли саноати ва юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалиги бўлган ривожланган социализм жамиятига шижоат билан ўтишига имкон берди. Экономикани планли, илмий асосда олиб бориш туфайли шунга эришилди, деб таъкидлади у. С. К. Зиёдуллаев республика ишлаб чиқариш кучларини 1980 йилгача ривожлантириш перспектив планларини, 2000 йилгача прогноз планларини ишлаб чиқиш борасида ўзбекистонлик олимлар орттирган тажрибалар билан бақамлашди.

Никарагуа, Панама, Ангола ва бошқа мамлакатларнинг делегатлари симпозиумда сўзлаган нутқларида симпозиумнинг ишидан мамнун бўлганликларини айтдилар. Улар социалистик давлатларнинг халқ хўжалигини жадал ривожлантириш борасида тўпланган тажрибаларига юксак баҳо бердилар.

ВКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ХАНОЙ, 9 октябрь. (ТАСС). Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети пленумининг бу ерда эълон қилинган қарори халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни қўпайтириш тадбирларига бағишланган.

Қарорда айтиладики, 30 йиллик уруш ва кейинги йилларгдаги табиий офатлар туфайли вужудга келган қийинчиликларга қарамай, халқ истеъмол буюмлари ва маҳаллий саноат моллари ишлаб чиқариш соҳасида олға томон каттагина қадам қўйилди.

Пленум шундай маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш яқин вақтдаги ва келгусидаги муҳим вазифа эканлигини таъкидлади. Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи турли тармоқларни ривожлантириш борасидаги конкрет таклифлар белгилаб олинди.

АҲВОЛ КЕСКИНЛАШДИ

ТЕҲРОН, 9 октябрь. (ТАСС). Кейинги кунларда Эрон Курдистонидаги аҳвол яна кескинлашди. Бугун маҳаллий матбуот Сардашт билан Банн ўртасидаги тоғлик йўлда курд исёнчиларининг «инқилоб посбонлари» бўлинмасига қилган ҳужумининг тафсилотларини хабар қилди. Пистирмага тушган 72 «посбондан» 22 киши ўлдирилган, 10 киши жароҳатланган, қолганлари асир олинган. Исёнчилар Навсуда ва Салмаса районида жандарм постларига бир неча марта ҳужум қилганлар. «Теҳрон таймс» газетаси бу операцияларни кутилмаган операциялар, деб ҳисоблаб бўлмайди, деб таъкидлайди. Чунки совуқ тушиши билан курд отрядларининг фаолияти активлашиши турган гап эди. «Кэйхан интернэшнл» газетаси Карманшахон вилояти губернаторининг гапларига таяниб хабар қиладики, Эрон курдларининг диний раҳбари марказий ҳукуматга қарши ялпи уруш бошлаш тўғрисида буйруқ берган.

64-пиёдалар дивизияси қўмондони Ғарбий Озарбайжон вилоятидаги курдларга қилган мурожаатида қўшинлар исёнчиларга бошпана берган ёки улар билан алоқа боғлаб турган кишиларни аксилинқилобчилар деб ҳисоблашини айтган. Ҳарбий қўмондонлик, деб ёзади «Бомдод» газетаси, Салмас районида ҳаракат қилаётган исёнчилар қуролларини ташлашларини қатъий талаб қилди. Акс ҳолда қўшинлар бўлажак оқибатлар учун энммаларига масъулият олмас эмиш. Қурол-яроғларни топшириш учун бир ҳафта муҳлат берилган.

Ички ишлар министри Х. Саббоҳиён «Бомдод» газетаси мухбири билан қилган суҳбатда миллий мухторият учун курдлар ҳаракати тарафдорларининг уруш ҳаракатлари активлашганлиги муносабати билан шаҳарлардагина эмас, тоғлик жойларда ҳам вазиятни контрол қилиб туриш учун Эрон Курдистонига қўшимча равишда қўшинлар киритилади, деган.

ЖАНУБИЙ АФРИКА ВАТАНПАРВАРЛАРИ ОЗОД ҚИЛИНСИН!

Ҳозир бутун дунёда Жанубий Африка сиёсий маҳбуслари билан бирдамлик куни нишонланмоқда. Шу муносабат билан Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети Жанубий Африка африкаликлар миллий конгресси билан ВМТнинг апартеидга қарши махсус комитетига телеграмма юборди.

Совет жамоатчилиги, дейилади ҳужжатда, Жанубий Африка халқининг ирқчилик ва апартеидга қарши кураши билан бирдам эканлигини яна бир бор билдиради.

Комитет Жанубий Африка Республикаси ирқчи режимининг озодлик учун, апартеидга ва ирқий камситишга қарши курашаётган халққа нисбатан ўтказаётган жабр-зулмини совет жамоатчилиги номидан қоралайди. Биз Жанубий Африка Республикасининг турмаларида азоб чекиб ётган маҳбусларнинг дарҳол озод этилишини талаб қиламиз, деб таъкидланади телеграммада.

(ТАСС).

ХУА ГОФЭННИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ПЕКИН, 9 октябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабар қилишича, ХКП Марказий Комитетининг Раиси, ХХР Давлат кенгашининг Бош министри Хуа Гофэн Франция, Германия Федератив Республикаси, Англия ва Италияга 14 октябрда бошланадиган визити арафасида шу мамлакатларнинг Пекиндаги мухбирлари учун матбуот конференцияси ўтказди. Хитой ҳукуматининг бошлиғи мазкур давлатлар ҳукуматларининг раҳбарлари билан «икки тараф манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, Хитой-Америка муносабатларини нормаллаштириш масаласи юзасидан Америка Қўшма Штатларининг президенти Картер билан ўтказган музокаралари», шунингдек «иқтисодий ва коммерция битимлари тузиш соҳаларини янада кенгайтириш» йўлларини муҳокама қилмоқчи эканини айтди.

Хуа Гофэн НАТО арбобларининг «кучли ва бирлашган Ғарбий Европа»ни тузиш концепцияси билан бирдам эканини изҳор этди ва шу нуқтаи назардан Германияни «қайта бирлаштириш» кераклигини айтди. Бундай «қайта бирлаштириш» Германия Федератив Республикасининг социалистик ГДРни ютиб юборишини назарда тутади. Ажнабий агентликлар мухбирларининг хабарларига қараганда, Хитой раҳбари немислар диёридаги ишчи ва деҳқонлар биринчи давлатининг куни кеча танланали равишда нишонланган 30 йиллиги тўғрисида лом-мим демади.

Хуа Гофэн Совет — Хитой давлатлараро муносабатларини нормаллаштириш масаласи юзасидан ҳозирги вақтда Москвада ўтказилаётган музокараларга тўхталиб, «бу музокаралар қандай натижа билан тугаши хусусида гапиришга ҳали жуда эрта» деган гапни айтди.

У ҳозирги вақтда Хитой Вьетнамга яна ҳужум қилиш ниятидами? — деган саволга равшан жавоб беришдан бўйин товлади, аммо Пекин «қарши ҳужум» қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади, деб эслатди. Мухбирларнинг Гонконгнинг келажакдаги статуси тўғрисидаги саволларига жавобан Хуа Гофэн бундай деди: Мазкур масалани ҳал этиш чоғида «инвесторларнинг манфаатлари», яъни Англиянинг Хитой ерндаги мана шу мустамлакасида турли капиталистик мамлакатлар монополияларининг манфаатлари» инобатга олинади».

Унинг айтишича, Пекин маъмурлари яқин вақт ичида «тўртлар шайкаси» устидан ва шу жумладан Мао Цзэ-дуннинг хотини Цзян Цин устидан суд ўтказмоқчи эканликларини маълум қилди. «Биз уларни ўлимга ҳукм қилмаймиз», деди Хуа Гофэн.



ТОШКЕНТ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи коллективи пахтакорлар учун «зангори кема»ларининг янгиларини тайёрлаб беряпти. Бу йил улар пневподборшчикли ХНП-1,8 агрегатлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди.

Суратда: слесарь Эдит Межитов янги машинани йиғмоқда.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Олмалиқ мебель фабрикасининг тўрт хил маҳсулоти бундан буён фахрли беш бурчак билан чиқарилади. Бу ерда тайёрланаётган хорижий чиқариш креслосига, диванкроватга, овқат столи ва журнал столига давлат Сифат белгиси берилди. Кўркам, қулай ва синтетик безак берилган бу буюмлар ҳар қандай хонани безайди.

Корхонада ўтказилган реконструкциялаш халқ истеъмоли моллари сифатини яхшилашга ёрдам берди: янги автомат линиялар ўрнатилди, илғор технология жорий этилди, меҳнатни ташкил этиш яхшиланди. Республиканинг қолган мебель корхоналарида ҳам шундай реконструкциялаш бошланди. Бу нарса буюм сифатини анча яхшилашга, миқдорини кўпайтиришга имкон берди. Ҳозирги вақтгача бу соҳанинг 27 хил маҳсулотига фахрли беш бурчак белги қўйилган.

Олмалиқ,

(ЎзТАГ мухбири).

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

ҒАЛАБА районидаги «Огонёк» совхозининг Бадиршо Умар ўғли бошлиқ бригадаси соҳибкорлари бу йил 65 гектар токзорда мўл узум ҳосили етиштирдилар. Улар узум узиш ва давлатга топшириш қизғин олиб бормоқдалар.

Бригада коллективи ўнинчи бешйилликнинг тўртинчи йилида эл дастурхонига 1500 тоннадан ортиқ узум тортиқ қилиш мажбуриятини олган.

Қ. УМАРОВА,
Р. МУЗАФФАРОВА.

* * *

ОҲАНҒАРОН районидаги Жуков номли совхоз деҳқонлари картошка қазишни жадал олиб боряпти. Бу иш хўжаликнинг Е. Ли бошқарувчилик қилаётган бўлимида айниқса кучайтириб юборилган. Юз гектар майдондаги картошкани қазишда механизаторлардан Б. Боймақов ва Н. Мурашевлар фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Совхоз деҳқонлари бу йил савдо тармоқларига 900 тонна картошка жўнатадилар.

А. МАҲКАМОВ,
М. ОРИПОВ.

* * *

СУНЪИЙ ҳавзаларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан балиқ олиш учун курашаётган Ғалаба районидаги «Балиқчи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-цехи коллективи айни кунларда савдо тармоқларига 15-16 тоннадан «тирик жавоҳир» жўнатмоқда. Балиқларни парвариш қилишда илғор ишчилар Қ. Сафаров ва Қ. Нишоновлар айниқса ғайрат кўрсатдилар.

Балиқчилар ҳозиргача 100 тоннадан ортиқ балиқ тутиб, савдо тармоқларига жўнатдилар.

Я. ТОҒАЕВ.

ЧИҚИТДАН ОЛИНАЖАК МИЛЛИОНЛАР

ҲОЗИРГИ давримизни автомобиль, трактор, мотоцикл, самолёт ва бошқа транспорт техникасисиз тасаввур қилиш қийин. Шундай экан, бу транспортларни ўз навбатида ғилдирак шиналари — баллонларисиз ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Шиналарнинг янги турларини ишлаб чиқиш, уларнинг сифати ва «умрини» узайтириш устида эса бутун бир илмий-тадқиқот институти ишлаб турипти.

СССР Химия саноати министрлигига қарашли Москвадаги шина саноати илмий-текшириш институти яқинда тошкентлик бир группа химикларнинг ихтиросига юксак баҳо бериб, уларга авторлик гувоҳномалари топширди. Ихтирочилар орасида Тошкентдаги пахта целлюлозаси ҳимияси ва технологияси илмий-текшириш институтининг ёш олими, химия фанлари кандидати Носир Кенжаев ва ёш илмий ходим Эркиной Мирзаева ҳам бор эди.

Шина ишлаб чиқариш саноатида қўлланиладиган, қатламларини ўзаро жипслаштирадиган резорцин моддаси чет элдан жуда қиммат баҳода сотиб олинади. Шинанинг мустаҳкамлиги эса асосан шу моддага боғлиқ. Шундай экан, мазкур моддани ёки унинг ўрнини босадиган бошқа бир турини ўзимизда яратиш мумкин эмасми? СССР Химия саноати министрлигига қарашли Тошкентдаги пахта целлюлозаси ва химияси илмий-текшириш институтида бу фикр бундан беш-олти йил илгари туғилган эди.

1971 йилда Тошкент политехника институтининг химия факультетини тугатиб, шу даргоҳга ишга келган Эркинойнинг биринчи илмий иши мана шу масала билан ишлашга тўғри келди. Илмий раҳбари Ражаб Қаюмов ва ҳамкасби Носир Кенжаев билан ҳамкорликда изланишларини бошлаб, адгезивлар — ёпиштирувчи моддалар билан шуғулланишга киришдилар. Аминокислоталар билан резорцин ўзаро реакцияга киришиб, янги бир модда ҳосил қилиши мумкин деган тахмин туғилди. Хўш, аминокислоталар қаерда бор? Оқсилда кўп. Бироқ, оқсилни тўғридан-тўғри саноатга ишлатиб бўлмайди. Чунки у қимматбаҳо озуқа моддаси. Изланишлар оқсилнинг тери чиқиндиларидан олинадиган мездр елимида борлигини кўрсатди.

Лабораторияда ҳам қувончли, ҳам ташвишли «кичик тадқиқот» иши бошланди. Бу тадқиқот, албатта, дастлаб пробиркаларда олиб борилди: оддий, одатдаги иш кунларининг бирида резорцин билан мездр елимини реакцияга киритдилар. Тадқиқотчиларнинг вужудини ҳаяжон қамраб олган, нигоҳлар пробиркага қадалган...

...Пробирка тагида елимсимон модда ҳосил бўлди! У билан аввал қоғозни, кейин қаттиқроқ нарсаларни, ҳатто синиқ стаканни елимлаб кўришди. Янги модда «қобилиятли», мустаҳкам эди!..

Демак, буни шина саноатида, резинани корд қабати билан мустаҳкамлашда қўлланишни сийаб кўриш керак. Янги илмий ихтиро юқорида айтилган шина саноати илмий-текшириш институтига юборилди. Москвадаги Ленин орденли бу институт ҳузуридаги тажриба заводида ва Москва шина ишлаб чиқариш заводида янги модда муваффақиятли синовдан ўтди ҳамда унинг муаллифлари авторлик гувоҳномалари олишга муяссар бўлдилар...

Ҳозирги шиналар мураккаб конструкцияга эга бўлиб, улар асосан кўп қатламли, юқори сифатли мустаҳкам кимёвий корд толасидан ҳамда махсус резинадан иборат. Икки элемент, яъни корд кабати билан резина бир-бирига қанчалик мустаҳкам боғланса, буюмнинг хизмат қилиш муддати шунчалик узоқ бўлади. Шунинг учун ҳам олимлар, конструкторлар шина пайдо бўлган вақтдан то ҳозиргача бу икки элементни бир-бири билан тобора мустаҳкамроқ жипслаштириш устида ишлаб келадилар. Корд билан резина орасидаги жипслик бирлигини 1 кгс/см га ошириш шиналарнинг 0,6 процент ортиқча йўл юришини таъминлайди. Бу эса Иттифоқимизда йилига 360 минг дона шинани тежаш демакдир.

Шу жиҳатдан тошкентлик олимлар академик Ҳамдам Усмонов, химия фанлари кандидатлари Ражаб Қаюмов, Носир Кенжаев ва ёш илмий ходим Эркиной Мирзаевалар яратган янги адгезив модданинг аҳамияти таҳсинга лойиқдир.

Яратилган янги адгезив фақат сифатлилиги ва арзонлиги билангина диққатга сазовор бўлиб қолмай, у атроф—муҳитни муҳофаза қилиш борасида ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки, тери ишлаш саноати чиқиндилари чиқит сифатида белгиланган жойга элтиб ташланади, улар чириб йўқ бўлиб кетгунча қўланса ҳид ҳавони бузади. Мазкур илмий янгилик туфайли бу чиқиндиларга қайта ишлов бериш билан шина саноатига зарур бўлган хом ашё олинади.

Тошкентда яратилган янги адгезивнинг Иттифоқ миқёсида шина саноатида қўлланилиши чет элдан сотиб олинадиган қимматбаҳо резорцин моддасини қамроқ ишлатиш имконини беришн билан бирга шинанинг хизмат муддатини уч процентга оширади. Бу эса йилига 1 миллион 800 минг дона шинани тежаш демакдир. Агар бу рақамни маҳсулот таннархига чақадиган бўлсак, миллионлар сўмга айланиб бир неча баравар ортиши ўз-ўзидан кўриниб турипти.

...Химия фанлари кандидати Носир Кенжаев ва ассистент Эркинай Мирзаевалариинг «Тери саноати чиқиндиларидан янги адгезивлар ишлаб чиқиш ва уларни сунъий ҳамда синтетик толали кордларни резина билан жипслаштиришда фойдаланиш» мавзуидаги илмий ишлари 1979 йил фан ва техника соҳасида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига тавсия этилди...

Икки илмий ходим катта коллективда ўз ўринларини топишган. Улар зиммадаги вазифаларнинг пухта билишлари ва бекаму-кўст бажаришлари билан бирга ҳушмуомаласи, ҳамкасбларга самимияти ва жамоат ишларида актив қатнашиши билан ҳам коллектив эътиборини қозонишган. Носир Кенжаев «Целлюлозник» деворий газетаси редакторининг ўринбосари, Эркинай Мирзаева эса институт касаба союз комитетининг аъзоси сифатида жамоат ишларида фаол қатнашадилар.

Асосий органик синтез технологияси кафедрасининг бу икки илғор илмий ходимининг чиқитлардан миллионлар олишга даъват этилган ихтиролари ҳақли равишда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига қўйилган...

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

УЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР



АҚШ. Ҳавонинг кейинги 25 йил ичида энг кўп саноат тутуни билан заҳарланиши натижасида Лос-Анжелес аҳолисининг саломатлигига жиддий хавф туғилди. Врачлар расмий равишда Лос-Анжелес ҳавосини хавфли, деб эълон қилдилар. Аҳолига мумкин қадар камроқ кўчада бўлиш тавсия этилди. Суратларда: шаҳар манзараси; врачлар 4 ёшлик Дженнифер Ларуни ҳаво ўтказмайдиган маслама остида даволашга мажбур бўлдилар. Негаки бу қиз кўчадаги ҳаво билан заҳарланган эди.

АП — ЮПИ — ТАСС телефотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ (1978 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

САҲИФА № 9

БУ САҲИФАДА:

Областимиз колхоз ва совхозларида чорва қишловига тайёргарликнинг бориши, бу йўлда содир бўлаётган камчилик ва нуқсонлар, уларни тезроқ бартараф этиш тадбирлари ҳақида ҳикоя қилинади.

БИЗ ҚИШЛОВГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРДИК

КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг чорвачиликни ривожлантириш масаласига бағишланган XIV пленуми қарорларини ўзларининг жанговар иш программалари деб билган колхозимиз чорвадорлари мол туёғини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш йўлида астойдил кураш олиб бориб, муайян ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Биз учун энг қувончлиси шундаки, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг асосий омилларидан бири бўлган мол туёғини кўпайтириш соҳасида катта тажриба орттирилди.

Чорвачилик бўйича мутахассисларимиз зооветеринария тадбирларини йил сайин такомиллаштириб бориб, чорва молларининг ҳар доим соғлом бўлишини таъминламоқдалар. Кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган тажрибали чўпонларимиз эса ҳар юз бош совлиқдан олинадиган қўзилар сонини узлуксиз ошириб, уларни тўла сақлаб қолмоқдалар.

Биз бу йил план бўйича қўйлар сонини 14600 бошга етказишимиз керак эди. Ҳозир эса отарларда 16881 бош зотдор қўй боқилмоқда. Илғор чўпонларимиздан Тонготар Пертаев ва унинг издоши Абдуманнап Мўминовлар ҳар юз бош совлиқдан 150 тадан ошириб соғлом қўзи олдилар. Айдарбек Кўшкинбоев, Абдулла Усаров, Оғабек Суликов, Турдимат Тўрабековлар ҳам отарлардаги қўйлар сонини кўпайтиришга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Хўжалигимизда бу йил пландаги 750 ўрнига 850 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Шундан 287 боши соғин сигирлардир. Мавжуд сигирлардан 600 тонна сут соғиб олиб, шундан 541 тоннасини давлатга сотишимиз керак эди. Ҳозиргача давлатга 500 тоннага яқин сут топширишга улгурдик. Демак, йиллик план ва социалистик мажбуриятларимиз ҳам яқин кунда ортки билан бажарилади.

Биз ўз хўжалигимиз тажрибасидан шуни яхши биламизки, қорамол ва қўйлар туёғини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда ҳар йили чорва қишловига қандай тайёргарлик кўриш ва уни қандай ўтказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Буни яхши тушунган чорвадорларимиз ва шу соҳадаги мутахассисларимиз ҳар йили чорва қишловига жиддий тайёргарлик кўрадилар ва қиш давомида барча маҳоратларини ишга солиб, фидокорона меҳнат қиладилар. Хўжалигимизда чорва туёғи кўпайиб, маҳсулдорлик ва даромад ошиб бораётгани ҳам шундандир. Ҳозир чорвачиликнинг ҳамма тармоғи фойда келтирадиган бўлиб қолди. Масалан, қўйчиликдан йилига ўрта ҳисобда 50 минг, қорамолчиликдан эса 20 мингдан ошириб соф фойда олмоқдамиз. Етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотлари таннархи эса арзонлашиб бормоқда. Масалан бир центнер сутнинг таннархи пландагидан 3 сўмга, бир центнер гўштнинг таннархи эса қарийб тенг баравар арзонлашди.

Қишловга тайёргарлик кўриш биринчи навбатда озуқа жамғаришдан бошланади. Бу ишга биз озуқа экинлари майдонларида ва яйловларда дастлабки ўрим бошланган кунданоқ киришишга одатланганмиз. Акс ҳолда мустаҳкам озуқа базаси яратиш қийиндир. Бу йил эса об-ҳаво чорвачилик учун бир мунча қулай бўлди, дейиш мумкин. Кўкламда ва ёзнинг дастлабки кунларида ёғин-сочин кўп бўлганлиги учун яйловларда ўт-ўланлар яхши ривожланди. Бундан ўринли фойдаланиш мақсадида чорвадорларимиз ёз мавсуми давомида дағал хашак, сенаж, ўт уни тайёрлашга алоҳида эътибор бердилар.

Бугунги кунда молхона ва отарларимизда қишлов учун етиб ортадиган миқдорда сифатли ем-хашак тайёрлаб қўйилган. Жумладан, 720 тонна ўрнига 1500 тонна сенаж бостирилган. 100 тонна ўрнига 120 тонна витаминли ўт уни тайёрланди. 3599 тонна ўрнига 4990 тонна дағал хашак ғарамланди. 4400 тонна силос бостириш планлаштирилган эди. Ҳозир бу иш қизғин давом эттирилмоқда.

Колхозимизда қўйлар қишлайдиган 26 та отар ва чўпонлар яшайдиган 26 та турар-жой бинолари мавжуд. Ҳозир 20 кишидан иборат қурилиш бригадаси аъзолари қўйхоналарни ва чўпонларнинг уйларини ремонт қилишни тугаллаш арафасида турибдилар. Ҳамма уйлардаги печкалар алоҳида кўздан кечирилиб, тахт қилиб қўйилди. Отарлардаги қўйларнинг сонига қараб улар қишлайдиган жойга етарли миқдорда озуқалар келтириб қўйилмоқда. Қорамол фермасида эса молхоналар тартибга келтирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда колхозимиз чорвадорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми қарорларини тўла амалга ошириш мақсадида чорва қишловини намунали ўтказишга ҳаракат қилиб, барча резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланмоқдалар.

П. РАЗОВ,
Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз раиси.

СЎНГГИ ВАҚТДА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ УСИШИ ХУДДИ ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБНИНГ УСИШИГА ОЛИБ КЕЛГАНЛИГИ ҚОНУНИЙ БИР ҲОЛДИР... ГАП ЧОРВА МОЛЛАР СОНИНИ КЎПАЙТИРА БОРИБ, ҲАММА ЖОЙДА ВА МУМКИН ҚАДАР ТЕЗРОҚ ҲАММА ТУРДАГИ МОЛЛАР ВА ПАРРАНДАЛАР МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ЧОРВАЧИЛИКНИ ОЛИБ БОРИШНИНГ ИНТЕНСИВ МЕТОДЛАРИГА ЎТИШ, УНИ ЗАМОНАВИЙ ЮҚСАҚ САМАРАЛИ ТАРМОҚҚА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА БОРМОҚДА.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

МОЛИ ТЎҚНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

ХЎЖАЛИГИМИЗ кўп тармоқли. Чорвачилик ҳам кейинги йилларда асосий соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Чунки биз КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми ҳамда Ўзбекистон Компартияси XIV пленуми қарорларига оғишмай амал қилиб, энг аввало чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Сўнгги йиллар тажрибаси кўрсатмоқдаки, озуқа базасини мустаҳкамламай туриб, бу муҳим соҳани ҳар томонлама интенсив ривожлантиришга эришиб бўлмайди. Буни тўғри тушунган чорвадорларимиз ҳар йили икки мавсумга етадиган миқдорда озуқа жамғариш шиори остида меҳнат қилмоқдалар.

Бу йил эрта кўклам серёғин келганлиги чорвадорларга бир мунча қулайлик яратди. Табиатнинг бу эҳсонидан самарали фойдаланиб, ҳозиргача икки йилга етадиган миқдорда сифатли озуқа жамғариб қўйдик. Жумладан 1800 тонна силос, 1700 тонна сенаж бостирилди. 45 тонна витаминга бой ўт уни тайёрланди.

О. АЛИМБОЕВ,
Урта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз ферма мудири.

ОТАРЛАРДА ҚИШ ТАРАДДУДИ

ҚИШЛОВ қўйчиликда ҳам энг масъулиятли даврдир. Бу паллада қўй-қўзиларни яхши парвариш қилиш чўпонлардан юксак уюшқоқликни талаб этади. Қишлов муваффақияти кўп жиҳатдан мустаҳкам озуқа базасига, ем-хашаклардан оқилона фойдаланилишга боғлиқдир. Бунинг учун ҳозирги пайтда ем-хашакларни қишлов ўтказиладиган отарларга ташиб келтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бунда ҳар бир қўй учун 1,5—2 центнер дағал хашак ва 40—50 килограмм омухта ем бўлиши даркор. Чунки, қалин қор ёққан ва кучли шамол эсиб турган пайтда қўйларни ёйиб боқиш имконияти бўлмайди. Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхози чўпонлари бунга қатъий амал қиладилар. Улар бу йил ҳам қишловга пухта тайёргарлик кўраётирлар. Хўжалик отарларидаги барча қўралар ремонт қилинган. Қўйлар қишлови ўтказиладиган отарларга 45—50 тоннадан дағал хашак келтирилган. Бу хашак қўйларга фақат майдалаб берилади. Бунинг учун охурлар ҳам ремонт қилиб қўйилган. Шунингдек, зарур миқдорда омухта ем жамғарилган.

Чўпонлар қишлов даврида қўйларни ёйиб боқиш учун энг серўт яйловларни қолдириш кераклигини ёдда тутишлари керак. Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоз чўпонлари шу мақсадда 3 минг гектар майдонга ажен ўти экканлар. У қўрғоқчиликкa, қатгиқ совуқларга чидамлидир. Ажен қиш кунларида қўйлар учун тўйимли озуқа бўлади.

Қишлов даврида қўйларни ўз вақтида суғоришга ҳам катта эътибор бериш керак. Айрим чўпонлар қишда қўйларни суғормайдилар. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Агар қўйлар суғорилмасдан, улар ташқаликни қондириш учун қор сувини ичсалар турли касалликларга чалинадилар. Шунинг учун қўйларни фақат қудуқлардан суғориш керак. Чунки, улардаги сув анча иликдир. Яна шуни эсда тутиш керакки, бўғоз совлиқлар бошқа қўйларга қарағанда сувга кўпроқ ташна бўлади. Шунинг учун уларни тўйдириб суғоришга алоҳида эътибор берилиши зарур.

Баъзи отарларда совлиқлар эрта қўзилай бошлайди. Ҳозирдан бошлаб бу совлиқлар ва янги туғиладиган қўйларни сақлаш учун иссиқ хоналар тайёрлаб қўйиш керак. Янги туғилган қўзилар сақланадиган хоналар қуруқ бўлиши жуда муҳимдир. Бу қўзиларни ўз вақтида овқатлантиришга ҳам жиддий эътибор бериш лозим.

Қўйлар қишловини муваффақиятли ўтказиш чўпонлардан кўп куч ва меҳнат талаб этади. Шундай экан, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур шароитларни яратиб бериш хўжаликлар раҳбарларининг муҳим бурчидир. Ҳозир барча чўпонлар турар-жойлари ремонт қилиниши, улар ёнилғи, кийим-бош, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан таъминланиши керак. Чўпонларга бевосита отарларда савдо, медицина, маданий-маиший хизматни йўлга қўйиш ҳам керак бўлади.

Қишловни ўтказишда майда-чуйда нарса бўлмайди. Шунинг учун ҳозиридан бошлаб бу масъулиятли паллага барча нарсани тахт қилиб қўйиш керак.

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида чўпонларимиз олдида улкан ва масъулиятли вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли бажариш кўп жиҳатдан қўйларнинг қишловдан беталофат, соғлом ва нормадаги семизликда олиб чиқилишига боғлиқ бўлади. Шундай экан, қишловни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳар бир чўпоннинг шарафли вазифасидир.

В. УРИЦКИЙ.
Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати.

ФЕРМАЛАР СОЗ, ОЗУҚА МЎЛ БЎЛСИН

ОДАТДА, пойтахт областининг чорвачилик билан шуғулланувчи хўжаликлари ҳар йили октябрь ойининг биринчи куни қишловга юз фоиз тайёр эканликлари ҳақида рапорт беришади. Бу деган сўз чорва қишлови 1 октябрдан бошланади. Бинобарин, озуқа запаси ҳамма турлари бўйича топширилган белгиланган миқдорда жамғарилган, молхоналар, қўралар сифатли ремонт қилиниб, озуқа цехлари ва барча механизмлар бенуқсон созлаб қўйилган бўлиши шарт.

Аммо, айрим хўжаликларда масъулият ҳис қилмайдиган раҳбарлар ҳам борки, улар кўзбўямачилик қилиб, бажарилмаган ишни ҳам «дўндирдик» деб, рапортга жимжимадор имзо чекаверадилар-у, аслида ўзларини ўзлари алдағанларини билмай қоладилар. Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деганларидек қишнинг ярмига бориб озуқа тугаб қолса ёки молхона нураб тушса, икки оёқни бир этикка тиқиб типирчилаб қолинади. Қўшни хўжаликларга бош эгиб бориб, ем-хашакдан қарз сўрашга мажбур бўладилар.

Мана, октябрнинг биринчи ўн кунлиги ортда қолди. Ҳозир ферма ва отарларда бўлиб, қишловга тайёргарликнинг аҳволини текширишнинг айни пайти. Утган йиллар сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб олиндими? Бугунги ишни эртага кўйишга одатланган раҳбарлар бу йил ишда бурилиш ясадиларми йўқми? Тўпланган озуқанинг сифати қандай, қишловга етадими?

Рейд бригадамиз аъзолари олдига ана шу долзарб масалалар юзасидан текширув ўтказиш вазифаси қўйилган эди.

Аввало, шуни айтиш керакки, ҳар йилгидек Калинин, Тошкент ва Бўка районлари чорвадорлари қишловга тайёргарлик кўришда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Айниқса, Калинин районидаги меҳнаткашлари уюшқоқлик билан ҳаракат қилиб, дағал озуқа жамғариш топшириғини областда биринчи бўлиб бажардилар. Бўка ва Тошкент районидаги чорвадорлари ҳам бугун-эртага топшириқни адо этадилар. Ҳар уччала илғор районда давлатга гўшт, сут сотиш топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда.

Бошқа районларда ана шу илғорлардан ўрганиб иш юритилса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Улар тажрибасини кенг оммалаштириш шу кунинг муҳим вазифасидир. Чунки, ҳозир еттита район дағал озуқа жамғаришда областнинг ўртача кўрсаткичидан ортда қолаётир. Урта Чирчиқ, Янгийўл, Оққўрғон районларида суръат айниқса, суст.

Биз рейд давомида Оққўрғон ва Урта Чирчиқ районларидаги айрим хўжаликларда бўлиб, қишловга қандай тайёргарлик кўрилаётганлигини атрофлича текширдик. Дастлаб Оққўрғон районидаги Х. Олимжон номли колхозининг қорамолчилик фермасида бўлдик.

ҚУРУҚ ГАП ҚУЛОҚҚА ЁҚМАС

ФЕРМАГА киравериш да ўнг томонда қуруқ хашак ғарамланган. Усти очиқ, атрофларида уюм-уюм хашаклар тартибсиз сочилиб ётибди.

— Ёғин-сочин бошланяпти, нима учун ҳанузгача ғарамларнинг усти ёпилмаган? — сўрайимиз колхоз партия ташкилотининг секретари Алибой Сорибоевдан.

— Брезентимиз йўқ. Полиэтилен плёнкасини тополмаяпмиз.

— Бир марта ёмғир ёғса, қуруқ хашакнинг тагигача ўтиб кетиб, сифати бузилади-ку.

— Унгача бир иложини қиларсиз, — деди у бамайлихотир.

Йўқ, қуруқ гап билан иш бажариб бўлмайди. Уни амалда қилиш лозим. Бунинг устига колхозда қишловга озуқа жамғариш масаласи чатоқ. Бу йил 5400 тонна дағал озуқа тайёрланиши керак. Ҳозир эса 2800 тонна бўлди, холос. Балки қолган вақт ичида ўрнини тўлдириш учун қандайдир, резервлар бордир?!

— Шолига ўроқ тушди, уни саранжомлаб бўлиб, похолини фермага ташиб оламиз, — дейди партком секретари.

— Демак, қишлик озуқанинг ярмини шолининг похоли ташкил этаркан-да. У сигирлар сутини кўпайтирадиган хушхўр, тўйимли озуқа турлари ўрнини боса олармикин?

Табийики, бу саволимиз жавобсиз қолди.

Озуқадан кўнглимиз тўлмагач, молхоналарни айланиш учун ферма ичкарисига кирдик. Бу ерга биринчи марта қадам қўйган киши мутлақо тартибсизлик ҳукмрон экан, деган хулосага келади. Ҳовли саҳнида сигир-бузоқлар яйдоқ юрибди. Оёқ остидаги эски гўнгнинг қалинлиги бир қарич. Чанги чиқиб ётибди. Бир ойдан бери тозаланмаган. Кўп вақтдан бери ташиб кетилмай, бир томонга тўпланаверилгач, гўнгтепа ҳосил бўлган.

Фермада учта ёпиқ молхона бор. Бирортаси ремонт қилинмаган. Шиферлар синиб, кўчиб, сурилиб кетганлиги учун томнинг кўп жойлари очиқ. Оёқ остига эса қараб бўлмайди. Полга қоқилган тахталарнинг ярмидан кўпи чириб тамом бўлган. Қолганлари ҳам яроқсиз. Ачинарли аҳволга партком секретаридан изоҳ сўрасак, у нажот излагандай зоотехникка қарайди.

— Эски тахталарнинг ҳаммасини кўчириб ташлаб, бутунлай янгилаймиз, — дейди зоотехник Долим Отажонов дадиллик билан.

— Тахта борми?

Бу сафар зоотехник партком секретаридан унсиз нажод сўрашга мажбур бўлди.

— 20 кубометр заказ қилган эдик... — секретарь гапни давом эттира олмади.

Масала равшан — тахта йўқ, молхонанинг поли эса бу йил тузалмай қолиб кетади.

Фермада чорвадорлар учун маданий-маиший шароит яратиб берилмаган. «Қизил бурчак», деб аталган хона эски ҳужрани эслатади. Хонада битта телевизордан бошқа ҳеч қандай жиҳоз йўқ. Бу ягона маданий буюм ҳам бузуқ. Қутиси билан ички қисмлари бўлак-бўлак. Хона шипининг бир-икки жойи кўчиб тушганига анча бўлган. Эски сувоқлар кўчиб, шундоқ осилиб турибди.

Колхоз партия комитети фермада оммавий-ташкилий ишлар олиб бормайди. Чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақа уюштирилмаган. Илғорларга ҳам, қолоқларга ҳам эътибор бир хил. Умуман, фермада ҳамма нарса ўз ҳолига ташлаб қўйилган, талабчанлик йўқ. Партком секретари бу ҳолни шундай изоҳламоқчи бўлади:

— Вақт етишмаяпти. Суткасига 3—4 соат дам оляпмиз. Тўғри суткасига, 24 соат ишлаш мумкин. Бироқ, ишнинг кўзини билмаса, ундан ҳеч қандай наф чиқмайди.

НОМИ БОР-У, ЎЗИ ЙЎҚ!

РАЙОНДАГИ Вотинцев номли колхозда 600 бош соғин сигирга мўлжалланган комплекснинг ишга тушганига икки йил бўлаяпти. Бу ердаги ҳамма иш жараёнлари механизациялашган бўлиши лозим. Амалда эса, фақат гўнгни ташқарига чиқариб ташлайдиган механизмгина ишлаяпти. Комплекс чорвадорлар қўлига тўғангандан бери қозонхона, молларни даволайдиган хона бир кун ҳам ишламади. Бу ҳам майли-я, комплексдаги энг асосий система ҳам яроқсиз бўлиб чиқди. Бу системанинг иш услубига кўра соғиб олинаётган сут шиша трубалар орқали сут блокига бориб тушиши, бу ерда совитилиб, яна айрим автомат жараёнлардан ўтгач, автомашина цистерналарига қуйилиб, тегишли жойларга жўнатилиши керак экан. Афсуски, сут соғувчилар комплексга кўчиб ўтган дастлабки кунданоқ яна эски фермадагидек кўчма аппаратларда сут соғишга мажбур бўлдилар.

Шу ўринда бир ҳақли савол туғилади: хўш, янги комплекс қурилишидан асли мақсад нима эди? Ахир у колхозга 1.600.000 сўмга тушди-ку?!

Яна шуниси қизиқ-ки, 600 бош сигирга мўлжалланган комплексда икки йилдан бери бор-йўғи 150 бош сигир соғилаяпти. Яқин орада соғин сигирлар сонини 600 бошга етказиш имконияти борми колхозда?

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕЙДИ

— Шу йилнинг охирига бориб сигирларимиз 250 бошга етиб қолади, — дейди бош зоотехник Уммат Қурбонов.

Бундай тахминларга ишонадиган бўлсак, комплекс қачон ўзини оқлайди?

Комплексда меҳнат интизоми бузилган. Махсус туғруқхоналар бўла туриб, бўғоз моллар очиқ майдондаги подалар орасида туғаётир. Улардан ҳеч ким хабар олмайди. Шунинг оқибатида бу йил 34 бош бузоқ ўлик туғилган, ёки туғилганидан сўнг нобуд бўлган. Албатта, бундай аҳволда соғин сигирларнинг кўпаймаслиги табиийдир.

Бош зоотехниқдан озуқа цехига бошлашни илтимос қилдик.

— Озуқа цехимиз йўқ, — дейди у гўё бу оддий бир ҳолдек.

Озуқа цехи йўқлигининг боиси бор экан. Колхозда озуқа жамғариш ишлари ўлда-жўлда. Мана, фактларга мурожаат қилайлик. Бугунги кунгача пландагига нисбатан 60 процент дағал озуқа тайёрланган. Силос бостириш плани эса 33 процент бажарилибди.

— 50 гектар ерда силос учун экилган кечки маккажўхоримиз бор, — дейди комплекс мудири Измулла Исафаров.

Бироқ, бу майдоннинг ҳар гектаридан олинадиган кўк поя 300 центнердан ошмайди. Демак, силос бостириш плани ҳам 60—70 процентда қолиб кетади.

— Бу йил неча гектар ерга озуқа лавлаги экилган? — сўраймиз бош зоотехникдан.

— Лавлагини қовлаб олиб, молларга бериб бўлдик, — мужмал жавоб қилди у.

Неча тонна ҳосил олинганлигини эса айтолмади. Қўлимиздаги маълумотга қараймиз; пландаги 430 тонна ўрнига 120 тонна лавлаги йиғиштириб олинибди. Бу планнинг 28 процентини ташкил этади.

НОШУДНИНГ ИШИ НОЧОР

«Северний маяк» колхози фермасида меҳнат интизоми мустаҳкам. Бош зоотехник Лев Александрович Хван раҳбарлигидаги мутахассислар зооветеринария ишларини намунали олиб борадилар. Ҳар бир чорвадор ўз участкасидаги ишни тартиб билан пухта бажаради. Ферма территорияси тоза, ремонтдан чиқарилган, молхоналар озода. Очиқ майдонлар тўла асфальтланган, текис. Озуқа цехи мунтазам ишлаб турибди. Озуқалар тўкиб-сочиб исроф қилинмайди, қайта ишлаб берилаётгани учун у нушхўрдга чиқмайди.

Куйбишев номли колхоз фермасидаги тартибсизликлар эса кишини ранжитади. Ферма территориясида 4—5 жойда водопровод жўмрагидан тўхтовсиз сув оқиб ётибди. Бу ерларда сунъий ботқоқликлар ҳосил бўлиб, юқимли касалликлар тарқатувчи манбага айланган. Эски молхоналарнинг ташқариси оқлаб қўйилган. Бироқ, ичкаридаги ремонт ишларига ҳали қўл урилмаган. Охирлар бузилиб, пол тахталари синиб, кўчиб ётибди.

200 бош сигирга мўлжалланган комплексда асосий ишлар механизациялашган бўлса-да, соғиш олдидан сигирларга бериладиган омухта ем қўлда тарқатилар экан.

— Соғин сигирларнинг зоти ва маҳсулдорлигига қараб бирига кўпроқ, бирига озроқ ем бериш керак. Шунинг учун емни қўлда беришга тўғри келади, — деб изоҳ беради зоотехник Олимжон Ҳошимов.

Бу тўғри, албатта. Аммо, 18—20 яшар қизларнинг елкасида бир қоп ем билан охурнинг устига чиқиб юриши комплекс лойиҳасига киритилмаган бўлса керак. Ҳар ҳолда бошқачароқ тадбирни қўллаш зарур.

Зоотехник силос бостириш планини бажардик, деб хотиржам бўлиб юрибди. Аслида эса, силоснинг ҳаммаси йўққа чиқиши мумкин. Чунки, силос бостиришга сентябрь ойининг ўрталарида киришилган. Узоғи билан бир ҳафта ичида кўмилиши лозим эди, ҳанузгача очиқ ётибди. Оқибатда устки қисми қуриб қолган. Остки қисми эса, ҳаво кириши натижасида қизиб, моғарлаб кетган. Ветеринария врачининг таъкидлашига қараганда бундай силосни молларга бериб бўлмайди. Акс ҳолда турли касалликларнинг келиб чиқишига ва кенг тарқалиб кетишига сабаб бўлади.

Ўтказилган рейд давомидаги текширувлар шуни кўрсатдики, областда қатор хўжаликлар чорва қишловига ҳали тайёр эмас. Бу соҳада жуда кўп нуқсон ва камчиликлар бор. Вақт эса ўтиб боряпти.

Молхона ва қўралар ремонтини мумкин қадар тезроқ тугатиш, озуқа цехларидаги агрегатларни тўла ва бенуқсон созлаб қўйиш, қишловга бемалол етадиган озуқани тезроқ ғамлаб олиш шу кунинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифасидир.

Хўжаликларнинг раҳбарлари, чорвачилик мутахассислари фермаларда меҳнат қилаётган ҳамма кишиларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми ҳамда область партия комитетининг чорвачиликка бағишланган пленумлари қарорларини сўзсиз бажаришга оммавий сафарбар этишлари лозим. Биноборин, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш қишловга пухта тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказишга ҳар жиҳатдан боғлиқдир.

А. УМАРХЎЖАЕВ,
область халқ контроли комитети инспектори.
С. АБДУЛЛАЕВ,
область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси ветеринария врачи.
Т. СОБИТОВ,
Республика радиоси редактори.
А. ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбирлари.

Қалинин районидаги Куйбишев номли колхоз чорвадорлари қишловга пухта ҳозирлик кўришди. Тажрибали сут соғувчи, колхоз ветерани Гулюзим Жиянбоева қиш ойларида ҳам соғин сигирлар маҳсулдорлигини камайтирмаслик ташаббуси билан чиқди. Суратда: Г. Жиянбоева.

А. Абалян фотолари.

СИГИРНИНГ СУТИ ТИЛИДА

БИР НЕЧА йилдан бери колхозимиз чорвадорлари сут етиштириш ва давлатга сотиш планларини мунтазам ортиғи билан бажариб келмоқдалар. Бу йил ҳам коллективимиз аъзолари аҳил ва иноқлик билан меҳнат қилиб, йиллик планни 9 ойдаёқ адо этиб, катта зафар қучдилар. Аҳоли дастурхонига 782 тонна серқаймоқ сут етказиб берилди.

Ҳамкасбларимдан Л. Қорабоева, Ў. Насабоева, Р. Тожиева, Б. Муслимовалар ҳамда З. Гофуров, М. Болғабоев каби тажрибали молбоқарларимиз коллектив ютуғига анча баракали ҳисса қўшдилар. Улар йил охиригача давлатга топширилаётган сут миқдорини 940 тоннага етказиш ташаббуси билан чиқишди. Бу ватанпарварлик ҳаракати коллектив томонидан қўллаб-қувватланди.

Сигирлардан қўплаб сут соғиб олишда озуқанинг мўллиги ва рационларнинг тўйимлилиги ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Бу йил ҳам қишловга яхши тайёргарлик кўрдик. Минг тонна силос, 1400 тонна сенаж бостирилди, 138 тонна сомон ва 248 тонна беда пичани жамғариб қўйилди. Бу озуқалар қиш ойларида майдаланиб, қайта ишланиб, молларга берилади. Натижада соғин сигирлар маҳсулдорлиги камаймайди.

М. АҲМЕДОВА,
Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхози сут соғувчиси.



Тянь-Шань тоғ тизмалари бўйлаб саёҳат қилган киши табиатнинг такрорланмас гўзалликлари гувоҳи бўлади. Суратларда: тоғ манзаралари. В. Таран фотоэтюдлари.

БОЛАЛАР ЧИЗГАН СУРАТЛАР

Республикамизда болаларнинг эстетик тарбиясига алоҳида аҳамият берилмоқда. Кейинги пайтларда биргина Тошкентда намойиш қилинган бир нечта болалар ишлаган суратлар кўргазмаси бунинг ёрқин тимсолидир. Бу кўргазмалар баъзи жиҳатлари билан ўхшашлик касб этиш билан бир қаторда ранг-баранг суратларни ва турли педагогик системаларни таққослашда қизиқарли ва фойдали материал бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқинда шундай кўргазмалардан бири — область касаба союзлари ташкил этган ёш рассомларнинг тасвирий санъат кўргазмаси Тошкент тўқимачилари маданият саройида очилди. Бу кўргазма кўп сонли санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди, уларга ёш рассомларнинг нигоҳи билан мамлакатимизнинг бугунги қиёфасини ранглар воситасида кўриш имконияти яратди.

Айниқса, бу ҳол кичик ёшдаги болалар чизган суратларда ўз аксини топган. Катталар баъзан аҳамият бермайдиган кундалик воқеалар, атрофимизни ўраб олган серқирра турмуш болаларнинг синчков назарига жо бўлган ҳолда фавқулодда таъсирчан ва оригинал образларда ўз ифодасини топганлигини кузатиш қувончли ҳолдир.

Оля Пономарёванинг «Байрам» суратига болаларнинг шодлиги ва ўйинкулгуси, байрам тантанаси, тўкис нур сочиб турган қуёшни акс эттириш учун зарҳал ва қизғиш ранглларга алоҳида аҳамият берилган. Кўпгина тасвирлардаги воқеаларда муаллифларнинг ўзлари иштирок этганлар. Оля Матяшнинг «Қанотли дўстлар» суратц ҳам шу жиҳатдан характерлидир. Қушлар билан бирга расмдан ёш ўқувчи қизча тасвири ҳам жой олган, табиийки, бу — Олянинг ўзи. Бундай типик хусусият кичик ёшдаги болаларнинг ташқи оламни ўзларига хос қабул қилишларига айнан мосдир. Бу ҳол болалар ижодининг характери уларнинг атрофдаги ҳаётни нечоғлик ўзларича англаши билан белгиланишини яна бир бор тасдиқлайди. В. Репнинниг «Деҳқон дон янчмоқда» сурати оддий кишилар меҳнатининг энг характерли жиҳатларини қамраб олишга интилгани билан ибратлидир. Болалар суратларидаги таҳсинга лойиқ хусусиятлардан яна бири композицияда бадиий мазмунни ҳаракатнинг нафис яхлитлиги орқали амалга оширишга интилишларида намоён бўлади. Шу нуқтан назардан С. Маликовнинг «Палов» номли сурати характерли. Ёш рассом катта қозон олдида турибпалов тайёрлаётган пазанда образини яратар экан, бундан ташқари болакай фигураси ва шу мавзуига мазмунан бевосита тегишли предметлар — стол, чойнак, тарелка каби идишлар тасвири воситасида композицион яхлитликка эришган.

Дадил ижодкор қўллар чизган этюд ва суратларда ёш рассомларнинг синчковлиги, оламни сержило бўёқларда тасвирлашга интилишлари ва болаларнинг ўлгайиш босқичлари акс этади. Ҳар бир ижодкор ўз тенгдошларининг вакили сифатида дунёқарашининг кенглиги билан санъат шайдоларини ҳайратга солади. Фазонинг чексизлиги, табиатнинг турфа ҳодисалари, гуллардаги бетакрор чирой, ҳайвонот дунёси, мактаб ва оила завқи, меҳрибон она ва пурзиё қуёш образлари ёш рассомларнинг энг севимли мавзуларидир. Болалар фақатгина шулар билан қифояланиб қолмай, бутун дунё воқеалари, мамлакатимиз ҳаёти ва катта қишиларнинг ташвишларига ҳам ўзларини даҳлдор ҳисоблайдилар.

Болалар ишлаган суратлар бизни бенхтиёр эртаклар оламига, одамларни мардлик ва жасоратга чорловчи қаҳрамонлар дунёсига бошлаб кетади. Хусусан, чуқур ҳис этиши кўргазманинг тарбиявий аҳамиятини оширади.

Маълумки, болаларни нафосатни ҳис қилиш ва бадиий ижодга муҳаббат руҳида тарбиялаш нозик ва тўғри тарбиявий тактикани, моҳирона раҳбарликни талаб этадиган масъулиятли ишдир. Шу жиҳатдан ҳар бир педагог ўзидаги мантиқий фикрлаш фазилатини ўстириб бориши, болаларга амалий ёрдам уюштириш билан бир қаторда уларга зарур назарий билим бериши талаб этилади. Областимизнинг педагог-рассомлари методикасида бунга амал қилинаётганлигини биз уларнинг шогирдлари ишларида ижодий ўзига хослик таркиб топаётганини кузатиш орқали ишонч ҳосил қиламиз. Хусусан, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент тўқимачиларининг маданият саройлари, пойтахтдаги «Шарқ юлдузи» ва Агрегат заводининг клубларида ёш рассомларнинг ўзига хос ижодий йўли шаклланмоқда.

Кўргазманинг амалий санъат бўлимида болаларнинг гипсдан ишлаган скульптура ишлари, турли ўйинчоқлар, мисга ўйилган тасвирлар ҳам жой олган. Тўқимачилар маданият саройида намойиш этилаётган 50 та ёш рассомнинг 150 дан зиёд сурати областимизда тасвирий санъатга бўлган қизиқиш оммавий тус олганлигини, жойлардаги болалар студияларида рассом-педагоглар амалий фаолиятини намойиш қилувчи катта нафосат кўригидир.

Т. ОДИЛБЕКОВ,
Р. ГАНИЕВ.

1979 ЙИЛ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ЙИЛИ

РОҲАТБАХШ МАСКАН

ЖАЗИРАМА иссиқ кунларда маданият ва истироҳат боғлари, сой-салқин жойлар одамлар билан гавжум бўлади. Ана шундай азим дарахтлар оғушида, уларнинг паноҳида бир дам ўтириб ҳордиқ чиқараётганингизда музқаймоқ бўлса нур устига аъло нур. Иқлилоб хиёбонининг ўртасида жойлашган «Снежок» музқаймоқ кафесидамиз. Баҳаво, эртадан кечгача қалин салқин билан бурканган кафеда икки қошиққина мороженое ейиш, музденкинна ичимлик ва мева ҳамда сабзавот шарбатларидан ичиш кишига роҳат бағишлаб, вужудидаги чарчоқни суғуриб олади гўё.

Кафеда фақат ёзда эмас, йилнинг ҳамма фаслида мороженоега меҳмон бўлиш мумкин. Хушмулозамат, хушмуомала сотувчилар таширифбуюрувчилар хизматида. Бу ерда 35-40 йилдан буён шу соҳада ишлаб келаётган сотувчилар Раиса Захарова, Антонина Шубковаларнинг хизматидан мижозлар миннатдор. Улар харидорларга самимий муносабати, тўғрилиги билан шунча узоқ йиллардан бери ўз касбларини шарафлаб келишяпти. Шунингдек, идиштовоқларни ювувчи Х. Фильковскал, сотувчи М. Шмидт ҳалол меҳнатлари эвазига бир неча марта «Ташлимводторг»нинг ташаккурномалари билан тақдирланишган.

Коллектив ойлик ва квартал план топшириқларини мунтазам ошириббажарапти. Жумладан, август ойида пландаги 38 минг-ўрнига 47 минг сўмлик, сентябрда эса 32 минг ўрнига 35 минг сўмлик савдо қилинди.

— Аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш, кўнгилли ҳордиқ чиқаришучун шароитларни яхшилаш ва маҳсулот турини кўпайтириш ҳисобига план йил сайин ортиб боряпти, — дейди директор Нурилла Файзиев. — Масалан, бу йилги планимиз 290 минг сўм бўлиб, уни муддатидан бир ҳафта илгари бажариш мажбуриятини олганмиз. Бу ўтган йилга нисбатан 20 минг сўмлик кўпдир.

Бир йўла 160 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган бу роҳатбахш даргоҳда ёз мавсуми ҳар куни 600-700 килограмм музқаймоқ сотилмоқда. Шунингдек, лимонад ва сифонда газли ширин сув, томат, узум, олма, шафтоли, сабзи шарбатлари бор. Бундан ташқари, кафе хизматчилари ўзларининг шаҳарда энг сифатли, технологияси мавжуд стандартлар талабига жавоб берадиган хуштаъм деб топилган коктейль тайёрлашади.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида Горький номли маданият ва истироҳат боғини кираверишда ва метрополитеннинг Октябрь революцияси бекатида кўчма дўконлар ташкил қилинган. Ана шундай тадбирлар туфайли бу коллектив «Ташлимводторг»нинг Киров савдо базасига қарашли ташкилотлар ўртасидаги мусобақада ҳамиша олдинги сафда бормоқда.

Х. АЛИМОВ.

ҲАВАСКОРЛАР ДАЛАДА

Пискент шаҳар маданият уйи ходимлари қишлоқ клубларига яқиндан ёрдам бериб, фидокорона меҳнат қилаётган дала меҳнаткашлари ҳузурида сермазмун лекция ва суҳбатлар ўтказиб, қизиқарли концертлар намойиш этмоқдалар. Август ойининг ўзида Б. Амриев раҳбарлигидаги 1-автоклуб бадиий ҳаваскорлари 1-«Пискент», совхози, «Гулистон», «Ўзбекистон ССР 50-йиллиги» ва Ленин номли колхозларда бўлиб, ўзларининг дилбаркўй ва қўшиқлари билан колхозчиларни ҳушнуд этдилар.

Айни кунларда А. Қушалиев раҳбарлик қилаётган 2-автоклуб ҳаваскорлари 2-«Пискент» совхози, Охунбобоев ва Тельман номли колхоз бригадаларида ўзларининг шўх рақс ва куй-қўшиқлари билан чиқиб, дала гвардиячиларини меҳнатга илҳомлантириб, уларга маданий ҳордиқ бахш этмоқдалар.

— 1979 йил Халқаро болалар йили, деб эълон қилинганлиги барча қатори бизни ҳам жуда ҳушнуд этди, — деди, суҳбатда клуб мудири Нуриддин ака Аҳмедов. — Келажагимиз бўлган болаларни коммунистик руҳда тарбиялаш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиздир. Буни яхши тушунган клубимиз аъзолари айни кунларда «Болалар — келажагимиз» темасида ўтказиладиган кечага қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Марям Қурбонова, Шарофат Махатова, Равшан Ҳамроев, Кон Наташа ва Собир Эшонов сингари ҳаваскорлар хизматидан пахтакорлар мамнун бўлишмоқда.

М. ШЕРМАТОВА.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ПАХТАЗОРДА КОНЦЕРТЛАР

Пахта йиғим-терими авж олдирилган шу кунларда санъаткорларни ҳам дала шийпонларида учратасиз. Улар саршуносларга маданий хизмат кўрсатишга бел боғлашган.

Ўзбекистон Давлат филармонияси ижодий коллективлари ҳам «оқ олтин» миришкорлари ҳузурига йўл олишди. Мавсум давомида филармония артистлари тўртта концерт бригадасига бўлиниб, жойларда қизиқарли томошалар кўрсатадилар.

«Лазги» ва «Шодлик» ансамблари ҳам катта концерт программасини тайёрлашди.

●

ЯНГИ АНСАМБЛЬ

ТОШКЕНТ районидаги Киров қишлоқ Советига қарашли маданият уйида «Ғунча» ашула ва рақс ансамбли ташкил этилди. Ҳозирги кунда ансамбль қатнашчилари ўз репертуарларини янги куй ва қўшиқлар билан бойитиб боришяпти. Колхозчилар ва совхоз ишчиларига концерт қўйиб бермоқдалар.

Бундан ташқари маданият уйида драма ва тиқувчилик тўгараклари ҳам мунтазам ишлаб турибди.

Т. ДЎСОНОВ.

●

ҚУЛАЙЛИК

Киров районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспекти бўйлаб Калинин майдонидан Энгельс кўчасигача қатнайдиган янги тролейбус йўли қуриб битказилди. Шу кунларда проспектнинг Энгельс кўчаси билан туташган жойида тролейбусларнинг айланиши учун майдонча ҳозирланмоқда. Бу ақолига яратилган яна бир қулайликдир.

С. СУЛТОНОВ,
Тошкент шаҳри.

Спорт

ЕШ КУРАШЧИЛАР КЎРИГИ

Запорожье шаҳрида классик кураш бўйича 23 ёшгача бўлган спортчиларнинг мамлакатбиринчилиги мусобақаларига ниҳоясига етди. Бу турнирнинг ўтказилишидан мақсад талантли спортчиларни топиш, уларни йирик мусобақаларга жалб қилишдан иборат эди. Мусобақа ғолиблари орасида тошкентлик спортчи Александр Барановнинг борлиги, айниқса, қувончлидир. 74 килограммгача вазнлилар мусобақасида тошкентлик классик кураш устаси барча рақибларини елкасини ерга текказиб, биринчи ўринни эгаллади.

ПОЙТАХТ ПОЙГАЧИЛАРИ ОЛДИНДА

Шосседаги велоспорт бўйича республика биринчилиги мусобақаларн Фарғона шаҳрида бўлиб ўтди. 70 километрли масофага Тошкент области вакили Владимир Комнатов биринчи бўлиб етиб келди ва республика чемпиони деган юксак номга сазовор бўлди. 40 километрга ўтказилган пойгада эса Сирдарё области спортчиси В. Макаркин биринчи ўринга кўтарилди.

Умумкоманда ҳисобида эса пойтахт области спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. Тошкент шаҳри пойгачиларн эса иккинчи ўринда қолдирлар.

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

Шайбали хоккей бўйича биринчи лига командалари ўртасида мамлахат чемпионати мусобақаларида иштирок этаётган «Бинокор» командаси яна **мағлубиятга учради. Хоккейчиларимиз бу гал Москвада маҳаллий «Локомотив» командаси спортчиларига қарши майдонга тушишди. Биринчи ўйинни 4:1 ҳисобида бой берган тошкентликлар, иккинчи учрашувни 5:3 ҳисобида ютказиб қўйишди.**

«Бинокор» навбатдаги турда Саратовда «Кристалл» командаси билан куч синашади.

МАЙДОНДА АРМИЯЧИ ҚИЗЛАР

Тошкентдаги СКА спорт залида баскетбол бўйича аёллар командаси ўртасида Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти биринчилиги учун мусобақалар бўлиб ўтди. Унда армиячи қизлар ўзаро куч синашдилар. Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округининг терма командаси аъзоларн тўртинчи ўринга кўтарилишди. Москва Ҳарбий округи спортчи қизлари эса турнир ғолиби бўлдилар.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Кеча мамлакатимизнинг олти шаҳрида олий лига командалари ўртасида футбол ўйинлари бўлиб ўтди. Жумладан, «Пахтакор» ўз майдонида Ростовнинг СКА командасини қабул қилди.

Бир кун аввал эса пойтахтнинг «Торпедо» командаси Олмаотанинг «Қайрат» коллективини қабул қилди. Бутун ўйин давомида ҳар икки команда дарвозаси даҳлсиз қолди. Қозоқ футболчилари ўз актвларига бир очко ёздилар. Дуранглар лимитини тугатган «Торпедо» эса очкосиз қолди.

ТАБИАТ ОЛАМИДА

«ХЎРОЗЧА»

Куз кунларининг бирида отарини яйловга олиб чиққан чўпон Мамад ака қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлди. Бир каклик қанотларини ёйганича унга пешвоз чиқиб келарди. Чўпон қушга дон сепди ва осонгина ушлаб олди.

Каклик қўлга ўргатилган экан. Шунинг учун ҳам у тезгина чўпон хонадонидаги ҳаётга кўникди. Ҳар тонгда у барчадан илгари уйғониб, ташқарига чиқишга уринар, уй деразасини тумшуғи билан тақиллатарди. Каклик чўпон хонадонида бир йилча яшади. Бу орада унга «хўрозча» деб лақаб қўйиб олдилар.

Ёзга чиқиб шу яйловга жойлашган пионер лагери **яна болалар билан гавжумлашиб кетди. Дам олишга келган пионерлар чўпон билан дўстлашиб, чўпонга ёрдам беришар, тез-тез уникига келиб туришарди.**

Мамад ака меҳнатсевар болаларни севиб қолди. Кекса чўпон болаларга бу ернинг ўзига хос ҳусусиятларн ҳақида мароқ билан сўзлаб берди.

Пионерлар дам олиш уйларига қайтишаётганда Мамад ака уларга ажойиб бир совға ҳадя этди. Мактаб жонли бурчагида боқиш учун ўзининг қўлга ўргатилган «Хўрозча» лақаби каклигини бериб юборди.

— Ҳар йили ёзда уни албатта бу ерга олиб келасиз, — дея таклиф қилди чўпон.

Болалар бу таклифни миннуният билан қабул қилишиб, «Хўрозча»ни мактаб жонли бурчагига олиб келишди. Ҳозир у меҳр билан парваришланмоқда.

У. ВЛАДИМИРОВ.

Мамлакатимизнинг фигурали учиш усталари Лейк-Плэсидда бўладиган Олимпиада ўйинларига қизғин тайёргарлик кўришяпти. Жуфт бўлиб учишда СССР спорт шарафини машҳур спортчилар Ирина Родинна ва Александр Зайцев билан биргаликда жаҳон чемпионатининг кумуш совриндорлари Марина Черкасова ва Сергей Шахрай, шунингдек, умидли ёшлар Марина Пестова ва Станислав Леоновичлар ҳимоя қилишади. Суратда: (чапдан) С. Шахрай, М. Черкасова, тренер С. Жук, М. Пестова, С. Леоновичлар машғулот пайтида.

И. Уткин ва А. Яковлев фотолари.
ТАСС фотохроникаси.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ЯНГИ ПРОГРАММА

СОВЕТ ЦИРКИНИНГ 60 ИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

Юбилей программалари

ПРОГРАММАДА:
ЦИРК САНЪАТИНИНГ БАРЧА ЖАНРЛАРИ.
СОВЕТ ЦИРКИНИНГ УСТАЛАРИ.
МОСКВА ЦИРКИНИНГ АРТИСТЛАРИ ВА
ЎЗБЕК ЦИРКИНИНГ ЕТАКЧИ АРТИСТЛАРИ:
«ЎЗБЕКИСТОН ЙИГИТЛАРИ».
РАҲБАР — Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳаким ЗАРИПОВ.
Ўзбекистон ССР халқ артисти Лола ХУЖАЕВА раҳбарлигидаги
«ЎРГАТИЛГАН ИТЛАР».
Ўзбекистон ССР халқ артисти Обиджон ТОШКЕНБОЕВ иштирокида ва Олим ТОШКЕНБОЕВ раҳбарлигидаги
«ЎЗБЕК ДОРБОЗЛАРИ»
Донмо манежда Москва цирки масхарабозлари Александр ГРИММАЛО, Николай ЯШЧУКОВ ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Обиджон ТОШКЕНБОЕВ.
Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.
КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.
Коллектив бўлиб келиш учун қуйидаги телефонлар бўйича заявкалар қабул қилинади: 44-35-84, 44-35-91.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
57-ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979 — 80 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КАБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЭЛЕКТРОМОНТЕРИ, АВТОМАШИНАЛАР ВА ТРАКТОРЛАРНИНГ ЭЛЕКТР ҚИСМЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТЕР.
ЎҚИШГА 8 — 10-СИНФ ҲАҚИМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Ўқиш муддати — 1 йил.
Ўқиш даври меҳнат стажига киради.
Ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар.
БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ТЕХНИКУМЛАРГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.
МАШҒУЛОТЛАР — 15 ОКТЯБРДА БОШЛАНАДИ.
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри — 164, Високовольтний массиви, 3- сектор (4-автобуснинг «Билим юрти», 13, 22-трамвайларнинг «Маиший хизмат уйи» бекатлари).

«ГЛАВЛЕНИНГРАДСТРОЙ»НИНГ 117-ЛЕНИНГРАД ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ўқув йили учун ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синф маълумотли йигит-қизлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича ўқишга қабул қилинади: ғишт терувчи-монтажчи, бўёқчи-суворқчи, суворқчи-плиткачи, облицовкачи, дурадгор.
Ўқиш муддати — 3 йил;
10-синф маълумоти билан — ғишт терувчи, бўёқчи, суворқчи, дурадгор.
Ўқиш муддати — 1 йил.
Ҳамма ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар: шарт-шароитлар яратилган ётоқхона, 3 маҳал бепул овқат, шаҳар транспортида имтиёзли қатнаш, иш ҳақининг 50 процентн ҳажмида стипендия тўланади.
Билим юртини тамомлаганлар «Главташкентстрой»нинг 16-база трестига ишга юборилади, уларга турар жой берилади. Ўқишни давом эттиришни хоҳловчиларга Ленинграддаги институт ва техникумларга йўлланма берилади.
Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши лозим: ариза, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан, оиласи ҳақида ҳамда медицина (286-форма) справкалар ва прививка қилингани ҳақидаги справка, характеристика ёки шахсий делоси, 6 та фото-сурат (3х4 см.).
Ҳужжатлар — 1 ноябргача қабул қилинади.
Билим юрти адреси: 198206, Ленинград шаҳри, 2-Комсомольская кўчаси, 7-уй, 2-корпус («Автово» метро станциясигача, у ёгига 4, 41, 36-трамвайлар билан «Пограничник Гарькавой кўчаси» бекатигача). Телефон: 258-22-11.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горнчилар, қаердасиз? 10.35 — Пролетариат диктатураси учун жавоҳирлар. Бадиий фильм, 2-серия. 11.45 — Концерт. 12.30—15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.05 — Рус тили. 16.35 — Л. Бетховен. 3-симфония. 17.30 — Адабиёт соҳасида 1979 йилги СССР Давлат мукофотига номзодлар. 17.55 — Волейбол бўйича Европа чемпионати. 18.25 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Қувноқ ноталар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Спорт программаси. 20.15 — Концерт. 20.30 — Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» китоби асосида кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси, 4-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.15 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Рига)—МАСК. 22.50 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Фильм-концерт. 12.00 — Иван Иванович билан Иван Никифорович орасида бўлиб ўтган жанжал баёноти. Бадиий фильм. 13.00 — Ҳужжатли фильмлар. 17.35 — Мультфильмлар. 18.00 — Ёшлик. 18.30 — Бизнинг чемпионлар. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Концерт. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» китоби асосида кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси, 4-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей. 22.35 — Ҳужжатли фильм. 23.05 — Ўзбекистон спортчилари Олимпиада ўйинларида. 23.20 — Ҳужжатли фильм. 23.35 — Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар. 23.50 — Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар. 0.05 — Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар. 0.20 — Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар. 0.35 — Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар. 0.50 — Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар. 1.05 — Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар. 1.20 — Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар. 1.35 — Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар. 1.50 — Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар. 2.05 — Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар. 2.20 — Қизил олма. Бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11|Х да Травиата, 12|Х да Анна Каренина, 13|Х да Флория Тоска.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11|Х да Келинлар ҳўзғолони, 12|Х да Ганг дарёсининг қизи, 13|Х да Соқов рицарь.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11|Х да Олифта, 12|Х да Тўйдан олдин томоша, 13|Х да Чоллар ва кампирлар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11|Х да Фаҳат аҳд сотилмайди. 12|Х да Ишқ қурбонлари, 13|Х да Капалаклар ўйини.

ДОИМИЙ ИШГА

печатникларга шогирдлар, гальванотипчи, саноат вентиляциясига хизмат кўрсатувчи ва ремонт қилувчи слесарлар, слесарь-сантехниклар, слесарь-ремонтчилар, компрессор ва совутиш қурилмаларининг машинистлари, склад мудири, омборчи, токарлар, фрезерчи, сайқал берувчи, ёрдамчи ишчилар, курьер, фаррошлар, қоровуллар, идиш-товоқларни йиғиштириб олувчилар, автомоторист, секретарь-машинистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор — 336495; 325302, редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва ҳатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02212. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е.—2586. 13